БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 11 (11.457). | 14 январь, пайшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ЯНГИ ЗАФАРЛАР

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАР Урганч ёғ-совун заводи Хоразм областида энг йирик корхона ҳисобланади. Корхонанинг ўртоқ А. Умиров бошлиқ зарбдор бригадаси аъзолари ўтган йили 3 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ж. Мамедов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, прессловчи Э. Қурбонов, электрик Тожибоев, ёғловчи Ёқубов, Р. Давлатов, М. Санжаревский ўртоқлар янги йилнинг дастлабки иш кунларидан бошлаб, ишлаб чиқариш топшириқларини 120 процентга етказиб адо этмоқдалар.

ИЛҒОРЛАР АҲДИ Тошкентдаги 2-авторемонт заводи коллективи етти йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилиб, 14 миллион 757 минг сўмлик турли хил машина деталлари ишлаб чиқарилди. Меҳнатсевар коллектив 1960 йилни янги ғайрат, янги режалар билан бошлади.

ГРЭС КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОВҒАСИ Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Оҳангарон ГРЭСининг сергайрат ишчи, инженер-техник ходимлари 1960 йилга яхши совға билан кирдилар. Улар 1959 йил планини муваффақиятли адо этиб, йиллик программага қўшимча 17,8 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаришга эришдилар. Шу давр ичида ишлаб чиқарилаётган электр қуввати таннархини камайтириш, ихтирочилик ва рационализаторликни кенг жорий этиш натижасида давлатнинг 11 миллион сўмдан зиёд маблағини ва 8400 тонна ёқилғини тежашга муваффақ бўлдилар.

КПСС МК ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН МУСОБАҚАНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИ—ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА

Улуғ дўстлик оиласига уюшган ўзбек халқи ҳам коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврининг янги марраси—етти йилликнинг иккинчи йили вазифаларини зўр матонат билан амалга оширмоқда.

Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарори республикамиз меҳнаткашларининг бутун ижодий кучини ва жўшқин ғайратини улуғвор вазифаларни муддатидан олдин бажаришга йўллади. Пленум партиямиз ҳаётида, Ватанимиз ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Пленум совет халқи КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг биринчи йилида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қилган ишларини якунлаш ва илғор тажрибаларни умумлаштириш билан бирга, социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада тезроқ юксалтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди.

Биз, деди Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумдаги нутқида,—энди қишлоқ хўжалиги соҳасида фақат энига қараб эмас, ичкарига қараб чуқурроқ боришимиз, экин майдонларини кўпайтириш йўлидангина эмас, балки энг яхши агротехникани жорий қилиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш йўлидан ҳам боришимиз, юксакроқ меҳнат унумдорлигига эришишимиз, маҳсулот таннархини камайтиришимиз керак. Қишлоқ хўжалигини бошқаришда бизнинг йўлимиз кўпинча экин майдонини кенгайтиришга асосланган экстенсив формалар эмас, балки ҳар бир гектар ердан, сарфланган ҳар бир меҳнат единицаси ҳисобига энг кўп миқдорда маҳсулот берадиган юқори малакали интенсив хўжалик юритишдан иборатдир.

Пленумда Ўзбекистон партия ташкилотининг ҳисоботи эшитилганлиги республикамизни тагин ҳам яшнатиш йўлида жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети қанчалик катта ёрдам кўрсатаётганлигини ёркин ифодалади.

Марказий Комитетнинг Пленуми барча совет кишиларидек республикамиз ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг ҳам меҳнат ва сиёсий активлигини мисли кўрилмаган даражада юксалтириб юборди, барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини тўлкинлатиб, етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасини равнақ топтирди.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар пленум материалларини чуқур муҳокама қилиб, пухта ўрганиш билан бирга, республикамизда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг аниқ режаларини белгиламоқдалар. Ҳозир колхозчи-деҳқонларимизнинг фикри-зикри қишлоқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан илгари адо этиш учун янгидан-янги резервларни қидириб топиш, улардан моҳирлик билан фойдаланиш, мамлакатимизга донги кетган новатор пахтакорлар ва машҳур чорвадорларнинг бой тажрибаларини ёйиш ва уларга эргашишга қаратилгандир.

Колхоз ва совхозларда бу йил она-Ватанга 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериш, бунинг учун биринчи галда ҳосилдорликни ошириш ва қолоқ хўжаликларни кўтариш, деҳқончиликни комплекс механизациялаш, камида ярим миллион тонна пахтани машинада териб олиш, бунинг учун техникани эгаллаш, давлатга чорва маҳсулотлари сотиш юзасидан икки-икки ярим йиллик планларни бажариш, ҳар бир сигирдан беш-олти минг литр сут соғиб олиш, мамлакатга кўпроқ чўчқа гўшти етказиб бериш, маккажўхори экинлари майдонини кенгайдириш каби ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда.

Партия ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида авж олиб кетган бу ажойиб ташаббусларни қизғин қўллаб-қувватлаб, ўтган йилгидек бу йил ҳам эл-юртга манзур бўладиган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун ҳамма жойда омманинг ҳақиқий жанговар ташкилотчилари бўлишлари лозим.

Ўтган йили пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилган бўлса-да, лекин бир неча район, юздан ошиқ колхоз, 13 совхоз ва 2 мингдан ортиқ бригаданинг давлатга пахта сотиш юзасидан зиммасига олган мажбурият уёқда турсин, лоақал планини ҳам бажармаганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг сабаби дастлаб шу район партия ташкилотлари раҳбарлигининг савияси пастлигида, улар меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборишнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаганликларидадир. Бу барча область ва район партия комитетларидан қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, хотиржамликка, мағрурланишга берилмаслик, ташкилотчилик ва оммавий ишлар билан жиддий шуғулланишни талаб этади.

Ҳар бир партия ташкилотининг ҳозирги кундаги муҳим вазифаси КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини кенг меҳнаткашлар оммаси онгига пухта сингдириб, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар ғайратини етти йилликнинг иккинчи йилида пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишга, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан олинган мажбуриятларни шараф билан бажаришга тўла сафарбар этишдан, кўкламни шайланиб кутиб олишдан, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этиб, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришдан иборатдир.

Н. С. ХРУШЧЕВ Бирма Иттифоқи элчиси У. Чинни қабул қилди

12 январда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Бирма Иттифоқининг СССРдаги элчиси У. Чинни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Элчи Н. С. Хрушчевга Индонезияга қиладиган сафари вақтида Бирмага бориш тўғрисида Бирма Иттифоқи ҳукуматининг таклифини топширди.

Н. С. Хрушчев лутфан қилинган бу таклиф учун самимий ташаккур изҳор қилди ва бу таклифдан фойдалана олажагига ишонч билдирди.

Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Индонезиядан қайтиб келаётган вақтда Афғонистонга боради

Ҳазрати олийлари Афғонистон короли Мухаммад Зоҳир Шоҳ ва Афғонистон ҳукумати Н. С. Хрушчевни Индонезиядан қайтиб келаётган вақтда шу йил февраль ойида Афғонистонга боришга таклиф этди.

Н. С. Хрушчев бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Америка Қўшма Штатлари элчиси Л. Томпсонни қабул қилди

13 январда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Америка Қўшма Штатларининг СССРдаги элчиси Л. Томпсонни унинг илтимосига мувофиқ қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов ҳозир бўлди.

☆ ☆ ГЎШТ, СУТ, ТУХУМ ЕТИШТИРИШНИ ИККИ БАРАВАР КЎПАЙТИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ГУЛИСТОН РАЙОНИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Колхозимиз аъзолари КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашиб, етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар. КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленуми қарорларига жавобан колхозчилар 1960 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни уч баравар, шу жумладан гўшт етиштиришни 2,5 баравар, сутни 2 баравар, тухум етиштиришни 2 баравар кўпайтириб, давлатга сотиш мажбуриятини олдилар.

1960 йилда гўшт етиштириш қуйидагича бўлади:

Моллар	1960 йил плани	1959 йилнинг 31 декабригача бўлгани	Наст олиш	Жами	Пландан ташқари	Гўштга топшириладиган молнинг тирик вазни (кг. ҳисобида)	Жами гўшт (центнер ҳисобида)
Қорамоллар	580	337	184	721	141	250	352,5
Чўчқалар	235	192	430	622	387	100	387
Қўйлар	4500	4516	2250	6766	2266	45	1019,7
Ўрдаклар	20000	—	—	—	—	2	400
Отлар	173	212	35	247	72	300	216
Жами							2375,2

Колхозимизда 237,5 тонна гўшт етиштирилади, давлатга 60 тонна ўрнига 150 тонна гўшт сотилади. Колхозчиларнинг эҳтиёжи учун 87.520 килограмм гўшт сарфланади.

1960 йилда кварталлар бўйича қуйидаги миқдорда гўшт топширамиз:

Моллар	I-квартал			2-квартал			3-квартал		
	Бош	Оғирлиги	Жами	Бош	Оғирлиги	Жами	Бош	оғирлиги	Жами
Қорамол	50	250	12500	50	250	12500	—	—	—
Чўчқа	100	100	10000	150	100	15000	—	—	—
Қўйлар	300	50	15000	1000	45	45000	100	50	5000
Ўрдаклар	—	—	—	—	—	—	17.500	2	35000
Жами		37,500			72500		0		40000

Колхоз 1960 йил 1 октябригача давлатга 150 тонна гўшт сотиб мажбуриятини бажаради.

Сигирлардан сут соғиб олишни икки баравар яъни 323,7 тонна кўпайтириб, давлатга 1959 йилдагига нисбатан икки баравар кўп — 225 тонна сут сотамиз. Давлатга тухум сотишни ҳам икки баравар кўпайтириб 33 минг дона ўрнига 70 минг дона тухум сотамиз.

1960 йилда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш учун 6565 тонна силос, 2367 тонна дағал ҳашак, 232 тонна концентрат озуқа тайёрлаймиз.

Ҳар бир соғин сигир учун 15 тоннадан силос гамлаб қўямиз. Бўрдоқи қилинадиган ҳар бир қорамолга кунига 40 килограммдан, бир ойга 1200 килограмм силос, кунига 3 килограммдан, ойига 90 килограммдан концентрат озуқа берамиз.

Бўрдоқига қўйилган ҳар бир бош чўчқага кунига 3—5 килограммдан, ойига 90—150 килограммдан концентрат озуқа берамиз. Шунга қўшимча қилиб илдиз мева билан ҳам боқамиз. Бокувга қўйилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 250 килограммга, чўчқанинг тирик вазнини 100 килограммга етказиб семиртириш мажбуриятини оламиз.

Сталин номли колхоз раиси Р. МУҲАМЕЛОВ.
Партия ташкилотининг секретари К. СУЛТОНОВ.
Ферма мудирлари У. ЖУЛИЕВ, И. БОБОЕВ.
Правление аъзолари А. МАМАТОВ, Б. КЕНЖАЕВ.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область, Гулистон районидаги Сталин номли колхоз аъзоларининг 1960 йилда гўшт, сут ва тухум етиштиришни ҳамда уни давлатга сотишни 1959 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш юзасидан социалистик мажбурият олиб, кўрсатган ташаббусини маъқуллади.

БРИГАДАЛАР ЙИРИКЛАШМОҚДА

«Мақтит» совхозининг коллективи Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб, пахтачилик бригадаларини йириклаштиришга киришди. Бу ерда ўтган мавсумдаги 45 бригада ўрнига 31 бригада кўкламга тайёргарлик кўрмоқда. Бригадаларнинг ҳар бирига 100 — 150 гектардан ер биркитиб қўйилган.

Бригадаларнинг йириклаштирилиши комплекс механизациялаш ва пахтани арзонлаштириш учун катта имконият туғдиради. Камол Абдуллаев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида 192 гектар пахта майдони бор. Бу бригада ўтган мавсумда гектарига 28,5 центнердан пахта етиштирган эди. Бригада пахта етиштиришдаги оғир ишларнинг ҳаммасини механизациялаш туфайли ҳар гектардан олинадиган ҳосилни бир йил ичида 10 центнер оширишга муваффақ бўлди.

Автоном республиканинг ҳамма совхозлари ва колхозлари пахтачилик бригадаларини йириклаштирмоқдалар.

Тожи НУРИМОВ.

ҒАНИШЕР АКА, ҚАНИ БЕЛЛАШАЙЛИК

Тошкент область, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер ЮНУСОВГА

Қадрдон ҳамкасбимиз Ғанишер ака!

Сизнинг бир фарзандим пахта деганингиз менинг қалбимда ҳам ўрнашиб қолган. Пахтани мен ҳам ўз фарзандимдек севаман.

Сизнинг ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштириш йўлидаги ватанпарварлик ҳаракатингиз мени ва мен бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг ҳам ғайратига-ғайрат қўшди.

Биз ўтган йили пахта майдонини 1958 йилдаги 51 гектардан 83 гектарга кенгайтирдик. Ишчи кучи эса 62 кишидан 35 кишига камайтирилди. Барча майдонга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди. 51 гектар ерда эса кетмон мутлақо ишлатилмасдан ҳосил етиштирилди. Биринчи галда техникага таянганлигимиз ва агротехника қоидалари асосида илғорлар тажрибасига қатъий риоя қилганлигимиз сабабли зиммамиздаги мажбуриятни ошириб бажардик, яъни гектардан 60 центнеру 20 килограммдан «оқ олтин» кўтардик. Машина билан пландаги 50 тонна ўрнига 122 тонна пахта терилди. Ҳар бир колхозчи 14,5 тоннага яқин пахта етиштирди.

Бригадамиз аъзолари мўл ҳосил етиштириш билан бир қаторда унинг таннархини камайтириш учун ҳам жиддий курашдилар. 1958 йилда бир гектар пахта майдонини ишлаш учун 311 меҳнат куни сарфланган бўлса, ўтган йили 275 меҳнат куни сарфланди. Бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган меҳнат куни 6 тадан 4,5 тага келтирилди. Унинг таннархи эса бир йил ичида 85 сўмга арзонлаштирилди, яъни 165 сўмни ташкил этди.

Бизнинг шароитимизда бундай натижага эришиш қаҳрамонлик бўлмаса-да, катта муваффақиятдир.

Жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарори ва пахтакорларимизнинг ҳақиқий дўсти Никита Сергеевич Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқини бригадамиз аъзолари билан биргаликда ўқиб, муҳокама қилдик. Пленум ҳужжатларида пахтачиликни тинмай ривожлантиришга ва уни механизациялаштиришга жиддий эътибор берилган. Биз Пленум қарори асосида зиммамизга юксак мажбурият олдик. Бригадамиз аъзоларининг аҳди—етти йилликнинг иккинчи йилида гектаридан 62 центнер «оқ олтин» етиштиришдир. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўряпмиз. Барча пахта майдони кузгаёқ сифатли қилиб ҳайдалди. Шудгорлашдан илгари ҳар бир гектар ер ҳисобига 150 килограммдан суперфосфат ва 5 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Далага ғўнг ташиб чиқариш қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача гектар бошига 10 тоннадан ғўнг чиқариб, махсус ғўнгхоналарда кўмиб қўйяпмиз. Гектарига яна 5 тоннадан ғўнг ташиб чиқарамиз. Бригада ихтиёридаги техника кўкламга тахт қилиб қўйилди.

Биз ҳосилдорликни ошириш билан бирга маҳсулот таннархини арзонлаштирамиз. Шу мақсада бригададаги ишчи кучини яна 10 кишига камайтирдик. Барча майдонда чигит 60х60 сантиметр схемасида жойлаштирилади. Бу йил ғўза парваришида кетмондан мутлақо фойдаланмаймиз. 200 тонна пахтани машинада терамиз. Техникадан кенг кўламда фойдаланиб, бир центнер пахта етиштириш учун кўп деганда 3,5 меҳнат куни сарфлаймиз, унинг таннархини 150 сўмга келтирамиз.

Режаларимиз катта, уни бажарамиз, албатта.

Сизнинг режаларингиз қандай, Ғанишер ака?

Бригадамиз аъзолари номидан, Ғанишер ака, Сизни беллашишга чақираман. Келинг беллашайлик, бир-биримизга борди-келди қилиб, тажрибаларимизни ўртоқлашайлик, пахта мўл-кўллиги учун олиб борилаётган курашга янада каттароқ ҳисса қўшайлик, жонажон партия, она-Ватан ва халқни тагин ҳам хурсанд қилайлик.

Тожи НУРИМОВ,
Қашқадарё область, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

☆ ☆ ЕТТИ ЙИЛЛИКНИ—ТЎРТ ЙИЛДА!

Ленин район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини муҳокама қилиб, етти йиллик маррасига 1962 йилда етиб олишга, ўша вақтгача пахта ҳосилдорлигини гектарига 40 центнергача етказишга қарор қилдилар.

— Бу юксак мажбуриятни бажарганларида район колхозлари давлатга етти йил мобайнида пландан ташқари 12,5 минг тонна «оқ олтин» сотадилар, — деди район партия комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси Турсун Комилов.

Барча майдонларда рекорд ҳосил олинишини таъминлаш учун колхозлар шу кўкламдаёқ чигитни фақат квадрат-уялаб, 60х60 сантиметр схемаси бўйича экадилар. Бутун пахта майдонининг ярмисида маҳаллий селекциячилар яратган 149—Ф сортли ипак пахта етиштирилади. Бу сорт пахтанинг ғўзаси ерга ётиб қолмайди ва шохлари ихчам бўлади. Шу сабабли ғўза қатор ораларини кетмонсиз ишлаш ва ҳосилни машинада териш учун кенг имконият туғилади.

Бутун пахта майдони ҳозирдаёқ шудгор қилиб қўйилган, ерга суперфосфат ва органик ўғитлар чиқариб тўкилган.

Колхозлар пахта етиштиришни мумкин қадар кўпроқ механизациялашга интилиб, трактор-далачилик бригадалари сонини ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтирдилар ҳамда ҳар бир бригаданинг ер майдонини ўрта ҳисобда 120—150 гектарга етказилди. Карл Маркс номли колхоздан, республиканинг донгдор механизатори Маннап Жалолов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасида пахта майдони 200 гектаргача кенгайтирилади.

Машина усулида суғориш йўли билан ўзлаштирилаётган бир ярим минг гектар ердан фойдаланиш етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришнинг ва ҳар центнер пахта таннархини кескин суратда камайтиришнинг муҳим резервидир. Ниёзботир массивидаги биринчи насос станциялари ишга туширишга тахт қилиб қўйилган.

М. ШЕРМАН,
(ЎзТАГ мухбири).

ТУРСУНОЙ ИЗИДАН — МЕН ҲАМ ТЕНГЛАШАМАН

Мен ўзбек қиз-жувонлари орасидан биринчи етишиб чиққан машҳур механик-ҳайдовчи, Социалистик

Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида сўзлаган нутқини зўр диққат ва қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу менда жуда катта таассурот қолдирди.

Мен Қува районидаги Охунбобоев номли колхозда оддий колхозчи бўлиб ишлайман. Ҳар йилги мавсумда кўпнинг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, 15—20 тонна ва ундан ошириб пахта тераман. Ўтган йили эса хирмонга 30 тонна пахта тўкдим.

Пахтани қўл билан териш жуда оғир иш. Пахта етиштириш кўпайган сари уни бундан буён қўл билан териб улгуриб бўлмайди. Партия ва Ҳукуматимиз бизнинг ана шу оғир меҳнатимизни енгиллаштириш учун катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Жуда яхши терим машиналари ишлаб чиқилмоқда. Энди биз теримчи қиз-жувонларнинг ажойиб терим агрегатларини бошқаришга фурсат келди. Мен Турсуной Охунованинг бошлаб берган ташаббусига қўшилиб, у билан тенглашишни ўз олдимга шарафли вазифа қилиб қўйдим. Шу мақсадда бу йил пахта терадиган машинани бошқаришни ўрганаман ва мавсумда 250 тонна пахта териш учун курашаман.

Бахтихон ИҲЛДОШЕВА,
Қува районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

МАШИНАСОЗЛАР ТАШАББУСИ

АНДИЖОН, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). «Строммашина» заводининг коллективи областдаги барча саноат корхоналари коллективларига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда бундай дейилади:

«Строммашина» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, автоматлаш ва технология процессларини такомиллаштириш учун социалистик мусобақани кучайтириб, етти йилликнинг биринчи йилида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш юзасидан анчагина ишлар қилинди.

Бироқ, ишлаб чиқариш маданиятини капитал маблағ сарфламаган ҳолда ошириш соҳасида ички резервлардан яхши фойдалана олганимиз йўқ. Завод коллективи ана шу камчиликларни тугатиш ва жамоатчиликнинг актив иштирокида ўз корхонасини энг обод корхоналардан бирига айлантириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишга қарор қилди:

Қиска вақт ичида барча цехларда иш кийимларини ечиб, илиб қўядиган жой, ишдан кейин чўмиладиган душ ташкил этамиз. Иш кийимларини ювиш ва ремонт қилиш учун алоҳида хона жиҳозлаймиз. Асбобускуналарни ва тайёр маҳсулотни қўйиш учун етарли миқдорда тумбочкалар, стелажлар тайёрлаймиз.

Ишчилар дам олиши учун иккита хонани жиҳозлаймиз ва барча ишлаб чиқариш цехларини оқлаймиз. Меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш, хавфсизлик техникасини ва санитария қоидаларига амал қилинишини таъминлаш учун қаттиқ кураш олиб борамиз, шу йўл билан турли хил касалланиш ҳолларини кескин озайтиришга эришамиз.

Ҳар бир иш жойида тувакларда гул бўлишини таъминлаймиз. Цехларнинг атрофида гулзорлар ташкил этамиз, боғорга чиқиб камида 300 туп мевали дарахт ўтқазамиз, уларнинг яхши ўсишини таъминлаймиз. Завод территориясини асфальтлашда иштирок этамиз.

Шу билан бирга областимиздаги барча саноат корхоналарининг коллективларини ишлаб чиқаришда маданий-маиший шароитини яхшилаш учун социалистик мусобақани кучайтиришга чақирамиз.

Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг бюроси Фарғона Халқ хўжалиги кенгашига қарашли «Строммашина» заводи коллективининг мурожаатини маъқуллаб қарор қабул қилди.

Қарорда шаҳар ва район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига строммашиначиларнинг тажрибасини ҳамма ерда оммалаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини юқори кўтариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиш ва бу соҳада илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Партия пропагандасининг бурчи шуки, у социалистик тузумнинг ва марксизм-ленинизм идеологиясининг афзалликларини, коммунистик меҳнат ва турмушнинг ажойиб намуналарини ҳаётдан олинган ёрқин мисолларда кўрсатиб бериши, коммунистик жамиятнинг ғоявий чиниққан ва ҳар томонлама билимдон кишиларини тарбиялаши керак. Меҳнаткашларни, партия ва халқ ишига чексиз ишонч руҳида, коллективизм ва меҳнатсеварлик, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида, янги жамият ахлоқининг юксак принциплари руҳида тарбиялаш з а р у р; сиёсий калтабинликнинг, миллатчилик ва космополитизмнинг совет воқелигимизда ҳали ҳам учраётган айрим кўринишларига қарши, ўтмишнинг сарқитларига қарши: меҳнатни ва ижтимоий бурчни менсимасликка, жамоат мулкини талашга, бюрократизмга, порахўрликка, спекуляцияга, лаганбардорликка, ичкиликбозликка, безориликка ва бизнинг тузумимиз учун ёт бўлган бошқа ҳодисаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарур.

(КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қароридан).

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

ИШИМИЗНИНГ ПРОГРАММАСИ

Марксизм-ленинизм ғояларини тарғиб қилиш, совет халқини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамма вақт партиямизнинг диққат марказида бўлиб келди. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори бунинг яққол ифодасидир.

Бу қарор мамлакатимизнинг маънавий ҳаётида тарихий аҳамиятга молик бўлган ва коммунистик қурилишни кенг авж олдиришга қаратилган.

Бу тарихий қарор барча интеллигентларни, айниқса марксизм-ленинизм ғояларининг оташин тарғиботчилари бўлган ва совет ёшларини коммунистик руҳда тарбияловчи олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг ходимларини ғоят руҳлантирди.

Қарорда ҳозирги замонда партия ташкилотларининг асосий эътибори иқтисодий билимларни тарғиб қилишга, социалистик ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганиш, айниқса коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга чиқариш ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш масаласини чуқур ўрганишга жалб қилинган. Коммунизм қурилишининг улуғвор программаси билан руҳланган совет интеллигентлари ижодий қобилиятини марксизм-ленинизм ғояларини турмушга боғланган ҳолда тарғиб қилиш, совет ёшларини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишларини ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Биз илмий ишларимизда социализм қурилишда партия ва халқнинг кураши тажрибаларини илмий асосда яратиш ва умумлаштириш, ишларини янада яхшилаб, коммунистик жамият қуриш ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Партия пропагандасининг вазифалари ҳақидаги тарихий қарор бутун ишимизнинг программаси бўлиб, ижтимоий фанлар кафедраларининг ишларини қайта қуришни талаб этади.

О. АМИНОВ,

Тошкент Молия-иқтисод институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, профессор.

РЕВОЛЮЦИОН НАЗАРИЯНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг партия пропагандасининг вазифалари тўғрисидаги қарори замонамизнинг энг муҳим хужжатларидан бири бўлиб, бунда партия XXI съезди қарорлари асосида мамлакатимизда коммунистик қурилиш даврида идеология ишлари соҳасида олиб борилаётган ишлар программаси белгилаб берилди.

Қарорда марксизм-ленинизмнинг назарий асоси бўлган диалектик ва тарихий материализм масалаларини янада чуқур ёритишга катта эътибор берилган. Ҳозирга қадар марксча-ленинча философияни пропаганда қилиш соҳасида турмушдан, коммунистик қурилиш тажрибаларидан ажралиб қолиш ҳоллари юз бериб келар эди. Лекцияларимизда, доклад ва мақолаларимизда ҳозирги замон жаҳон коммунистик ҳаракати, мамлакатимизда коммунистик қурилиш тажрибалари, Совет ва бутун дунё фани соҳасида эришилган ютуқлар билан узвий равишда боғланиш етарли эмас эди.

Философия фани соҳасидаги илмий-текшириш ишларимизда кейинги йиллар давомида бир қанча ютуқлар қўлга киритилган бўлсада, бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар кўп. Янги қарор асосида ишимизни қайта қуриб, республикамизда коммунистик қурилиш тажрибалари, ленинча миллий сиёсат тантанаси, социализмнинг коммунизм сари ўсиш даврида халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализмининг роли, ўтмишдан қолган сарқитларни тугатиш ва халқимизни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашнинг аҳамияти каби масалалар юзасидан чуқур мазмунли илмий асарлар яратишимиз керак.

Биз философлар бутун кучимизни, билимимизни партия пропагандаси ишини коммунистик қурилиш вазифалари билан мустаҳкам боғлаб олиб боришга ва уни янада ривожлантириб партия пропагандаси савиясини кўтаришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришга сарф этамиз.

Х. РАСУЛЕВ,

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти философия кафедрасининг мудири, доцент.

ТУЛАҚОНЛИ АСАРЛАР ЯРАТАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг партия пропагандасини яхшилаш юзасидан чиқарган янги қарорида мамлакатимизда социалистик қурилиш тажрибалари, ҳозирги халқаро аҳвол атрофлича таҳлил қилиниб, чуқур назарий хулосалар чиқарилган. Бу қарор жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Қарор биз тарихчилар зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Биз ҳозиргача тарихни ўрганиш соҳасида ҳукм суриб келаётган камчиликларга тамомила хотима бериб, мамлакатимиз тарихини ўрганишни халқимизнинг ҳозирги ҳаёти билан узвий боғлаб олиб боришга даъват этилганмиз.

Тарихчиларимиз ҳозирги жамиятимизни, меҳнат қаҳрамонлари бўлган замондошларимизнинг фаолиятларини чуқур акс эттирувчи салмоқли монографиялар, брошюралар яратишлари лозим. Илмий асарларимиз босиб ўтилган шонли тарихий йўлимиз билан чамбарчас боғланмоғи керак. Шунингдек, илмий асарларимизда социализмнинг коммунизм сари тараққий этиш қонуниятлари атрофлича чуқур ёритиб берилмоғи зарур.

Республикамиз тарихчилари Марказий Комитетнинг янги қарори асосида ишлаб, партиямиз амалга ошираётган сиёсатни оммага етказиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишлари шубҳасиздир.

Р. АМИНОВА,

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг бўлим мудири, тарих фанлари кандидати.

ТАЪСИРЧАН

ПРОПАГАНДИСТНИНГ МУҲОКАМАСИ

<>

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини «Кегайли» совхозининг коммунистлари ва партиясиз активлари қунт билан ўрганмоқдалар. Совхознинг Энгельс номли бўлимида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғарагининг пропагандисти ўртоқ Э. Паноев биз билан суҳбатда бундай деди:

— Партия Марказий Комитетининг бу қарори совет халқини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қилинаётган гамхўрликнинг ёрқин мисолидир. Пропаганда ишининг асосий маъноси—омманинг онглилигини ошириш, меҳнаткашларнинг куч ва ғайратини мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини авж олдиришга тўла сафарбар этишдан иборатдир. Пропаганда жанговар, таъсирчан бўлиши, маълум мақсадга қаратилиши керак, шундагина меҳнаткашларда яхши таассурот қолдиради. Партия маорифи шохобчаларидаги ўқиш коммунистлар ва партиясиз активларнинг назарий савияси ва ишчанлик қобилиятини оширишда пропаганданинг муҳим формаларидан биридир.

Мен бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғарагида пропагандистлик қиламан,—дейди сўзини давом эттириб ўртоқ Паноев,—доимо машғулотларда назарий масалаларни совхоз коллективи олдида турган амалий ишлар билан боғлаб ўрганамиз. Совхоз экономикасини янада юксалтириш учун фойдаланилмаётган ички резервларни қидириб топиш ва ишга тушириш ҳақида фикр юритамиз, назарияни амалда қўлланамиз. Натижада машғулотлар тингловчиларда зўр қониқиш ҳосил қилмоқда.

Масалан, яқинда ўтказилган машғулотда «Социализм шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш» деган тема ўрганилди. Бунда кишиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиши, «ишламаган тишламайди» деган принципига қатъиқ риоя қилиши, совхознинг ҳар бир ходими ўзининг ҳалол меҳнати билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига мўл-кўллигини бунёдга келтиришга ҳисса қўшиши, ишёқмас дангасаларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш зарурлиги каби муҳим масалаларга катта ўрин берилди. Шу каби пахта, гўшт, ёғ, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш йўли билан меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш мумкинлиги алоҳида таъкидланиб ўтилди.

Биз машғулотларда қироатхонликка ва идеология ишини амалий вазифалардан ажратиб ўрганишга йўл қўймаймиз. Шунингдек сон кетидан қувиб, сифатга халал етказиш ҳоллари ҳам бизга ётдир. Бизнинг ҳар бир машғулотимиз омманинг меҳнатдаги активлигини ва ижтимоий-сиёсий активлигини, коммунистик онглилигини оширишга қаратилади. Тингловчилар ҳар бир машғулотдан маънавий озиқ оладилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, пропаганда ишларини намунали ташкил қилишда етишмовчиликларимиз бор. Жумладан, машғулотлар даврида фойдаланиш учун етарли фотоальбомлар, расмлар, схемалар, диограммалар йўқ. Маҳаллий тилда дарсликлар жуда кам.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори партия ташкилотлари ва барча идеология ходимлари учун жанговар программадир. Биз қарорда кўрсатилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун бутун куч ва билимимизни сарф қиламиз.

* * *

Тўрткўл районидаги Ильич номли ва Амударё районидаги Энгельс номли колхоз, «Мангит» совхози партия ташкилотлари ҳам қарорни қизғин муҳокама қилмоқдалар.

С. МАДАМИНОВ

«Қизил Ўзбекистон»нинг Қорақалпоғистон АССРдаги мухбири.

ЯНГИ ФОРМА

Пропагандистлик партиявий иш

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари» тўғрисидаги қарори муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон КП Қуйи Чирчиқ райкомининг секретари Ўртоқ Юсупов билан суҳбатлашди.

— Бу қарор, — деди Ўртоқ Юсупов, — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда жуда муҳим ҳужжатдир. Бу қарор пропаганда ишларимизни яхшилашга, коммунист ва партиясиз активларнинг назарий билимини ошириш, етти йиллик планни қисқа муддатда бажаришга руҳлантиради. Эришаётган ютуқларимизнинг калити — кадрларнинг сиёсий билимли, ўз ишининг устаси бўлишига боғлиқ. Бу соҳада пропагандистларнинг роли ғоят каттадир.

Районда 67 пропагандист партия маорифи шохобчаларида машғулот ўтказмоқда. Булардан 52 киши олий маълумотли бўлиб, ҳар соҳанинг мутахассислари ҳисобланади. 5 киши агроном, 20 киши инженер-техник, бошқалар эса партия ташкилотларининг раҳбар ходимларидир. Пропагандистлар учун райкомда ҳар ойда мунтазам семинар ўтказилади, семинарда машғулотларнинг бориши, илғор тажриба ва иш методлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида фикр олинади. Партия кабинети яхши жиҳозланган, унда пропагандист ва тингловчилар учун зарур адабиётлар ва қўшимча материаллар топилади. Кабинетда турли тўғараклар учун алоҳида-алоҳида консультантлар қўйилган ва справка столи ташкил этилган.

Райком пропагандистларнинг методик маҳоратини такомиллаштирмоқда, уларнинг обрўсини кўтариб, рағбатлантирмоқда. Масалан, Ворошилов номли колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги КПСС тарихини ўрганиш тўғарагининг раҳбари Д. Михалченко ишчан пропагандистлардан ҳисобланади. Унинг нутқини, келтирган мисолларини тингловчилар завқ билан эшиталилар. У лекцияни турмушдаги бой фактлар билан боғлаб боради. Д. Михалченконинг тажрибаси семинарларда тез-тез оммалаштириб турилади. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Исмоиловнинг машғулотни юксак савияда ўтказиши тингловчиларни ғоят қизиқтиради.

Қарор муносабати билан пропагандистларнинг район семинарини, агитатор ва босма, деворий газета ходимларининг кенгашини ўтказиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Қуйи Чирчиқ районида активларнинг сиёсий-назарий билимини ошириш юзасидан кўпгина тадбирлар амалда белгиланмоқда.

Район бўйича партия ва комсомол маорифи шохобчаларида икки мингдан ортиқ коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз активлар ўқимоқда. Юздан ортиқ олий ва тўлиқсиз олий маълумотли, катта тажрибага эга бўлган пропагандистлар тўғараклларда актив иш олиб бормоқда.

Машғулотларнинг юқори савияда ўтиши пропагандистнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Агар пропагандист ўз касбига чинакам ихлос қўйса, материалларни пухта ўзлаштириб олган бўлса, кўргазмали куроллар ва ёрдамчи материаллардан яхши фойдалана билса, шубҳасиз, у ўтказган машғулот қизиқарли бўлади ва тингловчиларда яхши таассурот қолдиради.

Бироқ, ҳамма пропагандистлар ҳам шундай хислатларга эга деб бўлмайди. Айрим пропагандистларимиз олий маълумотли бўлсалар ҳам назарий масалаларни ҳаётга, амалий ишга боғлашда, у ёки бу темани жонли ва қизиқарли қилиб тушунтиришда ёрдамга муҳтожлар. Шуни ҳисобга олиб КПСС тарихи, қишлоқ хўжалик экономикаси, сиёсий мактаб ва фалсафа тўғараклари пропагандистларининг доимий семинарини ташкил қилдик. Семинарда партия ва совет ташкилотлари раҳбар ходимлари доклад қилмоқда, қимматли маслаҳатлар беришмоқда. Область партия комитетининг секретари Набиев, райком секретари Авагумов ўртоқлар доимий семинарда «Коммунистик қурилишнинг иқтисодий вазифалари», «Коммунизмнинг моддий-техника базаси ва уни яратиш йўллари» деган темада доклад қилдилар.

Пропагандистларга ёрдам кўрсатишда пропаганда ва агитациянинг хилма-хил форма ва методларидан кенг фойдаланиш керак. Партия маорифи кабинети ҳузурида методика совети ташкил қилдик. Бу совет составида тажрибали пропагандистлар, район партия комитети ходимлари, ўқитувчилар, агрономлар, инженерлар, район газетасининг редактори бор. Совет аъзолари тўғараклларга биркитиб қўйилган. Масалан, Глазитдинов, Каримов, Солиев ўртоқлар КПСС тарихини ўрганиш, Орешкин, Ким, Эргашев ўртоқлар қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғараклари пропагандистларига машғулотларни юқори савияда ўтказишда катта ёрдам бермоқдалар.

Методика совети аъзолари ҳар ойда камида икки-уч машғулотда қатнашиб, пропагандистнинг ижобий тажрибасини ўрганади ва оммалаштиради, йўл қўйилган камчиликни тугатишда кўмаклашади. Совет аъзоларидан Солиев, Каримов ва Рустамов ўртоқлар «Коммуна», «Сталинчи», Сталин номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда, «Норин» совхозида бўлиб, пропагандистларнинг фаолияти билан батафсил танишдилар. Тингловчиларнинг ҳақли талаб ва эътирозларини ўрганиб чиқдилар. Шундан кейин пропагандистларнинг район кенгаши ўтказилиб, кенг фикр алмашилди. Бу — партия маорифи шохобчаларида машғулотлар савиясини янада оширишда катта роль ўйнади.

Сталин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғарагида (пропагандист ўртоқ Р. Исҳоқов) тингловчилар машғулотга яхши тайёрланмаган, суҳбат темаси хўжалик олдида турган конкрет вазифалардан ажралиб қолган. Айрим тингловчилар ўрганилаётган темани тўла ўзлаштириб олишга ожизлик қилган. Совет аъзоси ўртоқ Солиев бу камчиликларни аниқлаб, масалани коммунистларнинг умумий йиғилишига қўйди. Совет йиғилишида ўртоқ Исҳоқовнинг ҳисоботи эшитилди. Натижада тўғаракда машғулотлар тингловчиларнинг актив иштирокида юқори савияда ўтадиган бўлди.

Методика совети аъзолари жойларда бўлган вақтларида машғулотга қандай тайёрланиш, суҳбатни қандай ўтказиш, маҳаллий факт ва материаллардан фойдаланиш йўллари ҳақида маслаҳатлар берадилар. Пропагандистлар билан консультациялар ўтказадилар, навбатдаги суҳбат темаси ва адабиёт танлашда кўмаклашадилар.

Методика совети—пропагандистларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги формасидир. Бу форма пропагандистларнинг фаолиятини яхшилашда ижобий роль ўйнаши турган гап.

Методика советининг ишини янада такомиллаштириш тадбирларини кўрмоқдамиз.

А. ҚАЮМОВ,

Учқўрғон район партия комитетининг лектор-консультанти.

Назарий билимни практика билан боғлаш керак

ЯНГИБОЗОР, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Свердлов номли колхоз бошлангич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш тўғарагида машғулот ҳамма вақт яхши уюштирилади. Бу йил ҳам машғулот мунтазам ва юксак савияда ўтаётир. 48 тингловчининг ҳаммаси деярли машғулотга пухта тайёрланиб келаябди. Ўтган йили гектаридан 43 центнердан ҳосил олган бригада бошлиғи ўртоқ К. Ким машғулотларда актив қатнашади, мўл ҳосил етиштириш ва механизация тўғрисида иш тажрибаси билан боғлаб гапиради. Партия тарихини ўрганиш тўғараги қатнашчиси Пак, Солихов ва Цой ўртоқлар пахта, каноп, маккажўхоридан қандай қилиб юқори ҳосил олганликлари, маҳсулотнинг таннархини камайтирганликларини назария билан боғлаб ҳикоя қиладилар. Булар партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорига жавобан кейинги машғулотда етти йилликни 3—4 йилда бажариш юзасидан оширилган мажбурият олиб, уни қандай бажараётганлари тўғрисида гапирдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини атрофлича муҳокама қилаётирлар. Улар сиёсий билимни ошириш билан, етти йиллик план топшириқларини муддатидан анча олдин бажариш юзасидан конкрет таклифлар баён қилмоқдалар ва мажбурият олмоқдалар.

Райондаги партия маорифи шохобчаларида ўқиб турган 1500 га яқин тингловчи ўзининг назарий билимини оширишга астойдил киришган.

— Биз тўғарак машғулотларида илғорларнинг бой тажрибаларини ҳозиргача ғоят кам пропаганда қилиб келганимизга иқрормиз,—дейди район партия комитетининг пропаганда бўлими мудири ўртоқ Ўтамалиев. — Энди идеология ишларини новаторларнинг ажойиб иш методларини чуқур ўрганиш билан боғлаб олиб борамиз.

ШАРҒУН ШАХТЁРЛАРИ УЙИДА ТЕЛЕВИЗОР

Сталинобод телевизион марказининг ходимлари Сурхон водисига келиб кетдилар. Улар Сталинобод телевизион марказининг эшиттиришларини ретрансляциясиз Ўзбекистонда — Сурхон водисининг шимолий қисмида ва Ҳисор тоғларининг этакларида қабул қилиш мумкинлигини аниқладилар.

Шарғун шахтёрлари яшайдиган Тоғчиён ишчи посёлкасида Сурхондарё областида биринчи телевизор антенналар пайдо бўлди. Кечқурунлари кўп уйларда телевизорлар ишлаб туради. Сариосиё, Узун, Денов ва Шўрчи районларида телевизорга талаб ошди.

Термизга яқин жойда ретрансляция пункти қурилмоқда. Бу пункт Сталинобод телевидениеси зонасини областнинг жанубий районларида кенгайтириш имконини беради.

КАМСИТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

«Коммуна» колхозининг раиси Салима опа Бобожонованни ҳамма ҳурмат қилади. Бу меҳнатсевар аёлнинг ташкилотчилиги, колхозчи-механизаторларнинг ижодий меҳнати туфайли колхоз қисқа вақтда қолоқликдан чиқди ва райондаги комплекс тараққий этаётган хўжаликлар сафидан ўрин олди. 1959 йилда колхоз ҳаётида жуда катта воқеалар рўй берди. Кенг пахта майдонларининг ҳар гектаридан давлатга 28 центнердан зиёдроқ пахта сотилди. Гўшт, ёғ, сут, жун, галла ва бошқа маҳсулотлар сотиш планлари ҳам тўла ва ошириб адо этилди.

Хоразм областида бундай меҳнатсевар хотин-қизлар жуда кўп. Қаримонов номли колхознинг С. Жумабоева, «Коммуна» колхозининг Ў. Дурдиева бошлиқ бригада ва звеноларининг ҳосилдорликни гектар бошига 35 — 40 центнерга кўтардилар. «1- Май» колхозининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Рўзигул Каримова мавсумда 20 минг килограммдан ошириб пахта терди.

Хотин-қизлар сиёсий ва жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар. Ўртоқ Г. Абдуллаева райижроком раисининг ўринбосари, С. Содиқова қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишламоқда. Юзлаб хотин-қизлар маҳаллий Советларга депутат қилиб сайланди. Кейинги ойларда 9 хотин-қиз колхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарлиги лавозимига кўтарилди.

Жойларда хотин-қизлар Советларининг ташкил қилиниши хотин-қизларни жамоат ишларига кўпроқ тортиш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини оширишда муҳим омил бўлди. Буни айрим мисолларда кўриш мумкин.

Паримонов номли колхозда мингга яқин хотин-қиз бор. Колхоз партия ташкилоти ва хотин-қизлар Совети улар орасида сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишларни жонлантириб юборди. Ҳар хил темаларда доклад ва лекциялар ўтказилади. Кино-концертлар кўрсатилади. Хотин-қизлар бадиий ҳаваскорлик тўғарагида, шахмат-шашка мусобақаларида актив қатнашадилар, маданий дам оладилар. Шу билан бирга колхоз олдида турган хўжалик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда бош-қош бўладилар. Уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилган. Колхозда кўплаб болалар муассасалари ишлаб турибди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хотин-қизларни уй ишидан бутунлай озод қилиб, жамоат ишларига жалб қилиш тадбирларини кўрмоқда. Натижада хотин-қизлар етти йиллик план топшириқларини бажаришда фаол қатнашмоқдалар. Колхоз ўтган йили гектаридан 35 центнердан ҳосил олиб, яхши кўрсаткичга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида хотин-қизлар орасида пропаганда ишларини олиб боришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу Янгиариқ район партия ташкилотларига ҳам тааллуқлидир.

Район партия комитети ва колхоз бошланғич партия ташкилотлари хотин-қизларнинг, айниқса уй-рўзғор ишлари билан шуғулланаётган аёлларнинг ғоявий талаблари ва қизиқишларини ошириш соҳасида арзурлик иш қилмаётирлар. Кўпгина ўқимишли, актив жамоатчи аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда қолмоқдалар.

Райондаги кўпчилик колхозларда хотин-қизлардан бригада бошлиғи ёки ферма мудирини учратиш амри маҳол. Шунингдек хотин-қиз бухгалтерлар, агрономлар ҳам кам. Чапаев номли колхозда (раиси Бобожонов, партия ташкилотининг секретари Қурбонбоев ўртоқлар) узоқ йиллар давомида бирорта хотин-қиз раҳбарлик лавозимига кўтарилмаган.

Республикамизнинг донгдор механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг шуҳрати ҳамма жойга тарқалди. Янгиариқлик хотин-қизларда ҳам механизатор бўлиш истаги туғилди. Аммо район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари хотин-қизларнинг бу истагини қондириш ҳақида ўйлаб кўраётганлари йўқ. Ваҳоланки, махсус курс очиб уларни ўқитиш, техника таълими ўргатиш учун районда ҳамма имкониятлар мавжуд. Охунбобоев номли, Чапаев номли, «Ўзбекистон» колхозларининг раислари хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ролига тўғри баҳо бермаётирлар.

Хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳолларига қатъий барҳам берилмаган. Айрим кишилар хотин устига хотин олмоқда, балогатга етмаган қизлар ўқишдан қолдирилиб эрга берилмоқда. Лекин бундай эскилик сарқитларига ҳамон чек қўйилмаганлиги кишини таажжубга солади.

Хотин-қизлар Советларининг ролини кескин ошириш пайти келди. Буни район раҳбарлари ҳам инкор этмайдилар. Бироқ, улар жойларга борганда хотин-қизлар Советларининг фаолияти билан шуғулланишга вақт тополмайдилар. Айрим колхозларда, жумладан Охунбобоев номли колхозда тузилган хотин-қизлар Совети (раиси Ўртоқ С. Жонибекова) ҳали бирор арзирлик иш қилган эмас.

Хотин-қизлар мамлакатимиз олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда катта кучдир. Бу кучни доимо қадрлаш керак.

А. ТИЛЛАЕВА,

Янгиариқ район партия комитетининг инструктори.

С. ИБРОҲИМОВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Республика меҳнаткашлари, коммунист ва комсомоллар КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини эўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда, олий ва ўрта ўқув юртларида бу тарихий хужжат ҳамманинг диққат марказида бўляпти. СУРАТДА: Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг 2-цехида агитатор В. Александров Марказий Комитет қарорини ишчиларга ўқиб эшиттирмоқда.

А. Палехов фотоси.

ТУРМУШ БИЛАН БОҒЛАНИБ...

Яқинда газеталарда Чирчиқ электрокимё комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Ўзбекистон ССР транспорт ва қурилиш корхоналари коллективларига Мурожаати эълон қилинди. Комбинат коллективи корхона ишчиларининг болаларини мактабда ўқитиш ҳамда уйда тарбиялашда ёрдам кўрсатиш соҳасида катта ташаббус бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади ва область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари саноат корхоналари ва қурилишларидаги ишчилар, хизматчиларнинг мактаб ўқувчиларига таълим бериш ва уларнинг меҳнат тарбияси соҳасидаги конкрет тадбирларни амалга сширишда ёрдам бериш учун бошлаган ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозимлигини таъкидлади.

«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири Чирчиқ шаҳрида бўлиб, ана шу ташаббус ҳақида халқ маорифи органларининг ходимлари билан суҳбатлашди ва уларнинг бу ташаббус тўғрисидаги фикрларини сўради. Қуйида шу ташаббус ҳақида материал эълон қилинади.

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

В. ВАСИЛЬЕВА
10-мактабнинг директори

Электрокимё комбинати коллективининг болаларни оилада ва мактабдаги тарбиясига катта аҳамият бериш зарурлиги тўғрисида бошлаган ташаббуси қўллаб-қувватланишга сазовордир. Мен бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман: у ҳам бўлса ўрта мактабни тамомлаган ёш йигит ёки қиз завод, фабрикада, қурилиш, колхоз ва совхоз даласида эркин меҳнат қилабилсин. Бизнинг мактаб ўқувчилари ўрта мактабни тамомлаганларидан кейин ҳеч иккиланмай саноат корхоналарига бориб ишламоқдалар. Мастерлар, цех бошлиқлари, тажрибали ишчилар собиқ ўқувчиларимиз бажараётган ишдан мамнун бўлаётганликларини эшитганингда, нақадар хурсанд бўласан!

Бунга осонликча эришилмади. Аввало, педагоглар коллективи болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига катта аҳамият билан қарадилар. Электрокимё комбинати коллективи эса ўқувчиларда мустақил меҳнат қилиш қобилиятини шакллантиришда унутиб бўлмайдиган иш қилди. Улар қуриб берган устахоналарда ўқувчилар слесарлик, токарлик ва дурадгорлик ҳунарларини ҳавас билан ўрганмоқдалар. Ана шуларнинг самараси ўлароқ мактабимизни тамомлаган Сонин, Желтовских, Корнилова, Холмуҳамедов, Засновский каби ўнлаб ўқувчиларимиз электрокимё комбинатида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Завод коллективи уларнинг ишидан мамнун. Биз педагоглар шундай меҳнатсевар ўқувчиларимиз билан фахрланамиз.

8-мактабнинг физика ва электротехника кабинетида. Кабинетни электрокимё комбинати коллективи жиҳозлаган. СУРАТДА: 10-синф ўқувчилари Л. Идрисова ва Ф. Эшонов электротехника бўйича машғулот ўтказишмоқда.

ЁРДАМ ШУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

С. БРАУН,
8-мактабнинг илмий бўлим мудири

Бизнинг мактабга узоқ йиллардан бери электрокимё комбинати оталик қилади. Аввалошуни айтишим лозимки, комбинат раҳбарлари мажлисларимизда, педагогика советларимизда, турли кечаларимизда қатнашиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга ўзларининг самимий маслаҳатларини бериб турадилар. Кечагина тамом бўлган қишки каникул кунларида комбинат коллективи арча байрамимизнинг мароқли ўтишига, ўқувчиларни пойтахтимиз Тошкентга экскурсия қилишига ёрдам берди.

Мактабимиз ҳузуридаги слесарлик ва дурадгорлик устахонаси комбинат ёрдами билан қурилди. Устахонага станокларни ҳам, асбоб-ускуналарни ҳам комбинат етказиб бермоқда. Бу эса ўқувчиларнинг малакали ишчилар бўлиб етишишига катта ёрдам бераётир. Комбинат коллективи мактабларга ёрдамлашиш юзасидан қабул қилган мажбуриятида турли стендлар тайёрлаб беришга аҳд қилган. Бундан ташқари, техника хавфсизлиги бўйича 60 та плакат ҳам беради. 1960 йил давомида мактабларга актив ёрдам бериб иккита теплица қуриш ва жиҳозлаш ишини ҳам ўз устларига олди.

Кимёгарларнинг мактабларга кўрсатаётган ёрдамлари катта. Биз халқ маорифи ходимлари мактабларни оталиққа олган ҳамма ташкилотлар ҳам электрокимё комбинати коллективидан намуна олиб ишлашларини истар эдик.

ОТАЛИҚДА ГАП КЎП

В. ЛАРИН,
Шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири

КПСС XXI съезди қарорларида ёшларнинг ўқишини меҳнат билан боғлаб олиб бориш ишига катта аҳамият бериш зарурлиги таъкидлаб кўрсатилди. Шундан кейин СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қонунлари эълон қилинди. Бу қонунларда мактабларидаги ўқитиш ишини меҳнат билан боғлаб олиб бориш ниҳоятда муҳим эканлиги яна бир марта таъкидланди. Болаларни мактабдаёқ меҳнатга ўргатиш, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш жуда муҳим ишдир. Бу муҳим ишни аввало, мактабларнинг материал базаси мустаҳкам бўлгандагина амалга ошириш мумкин бўлади. Шуни эътиборга олиб, биз уч-тўрт йилдан бери шаҳардаги 22 та мактабнинг ҳаммасида материал базани мустаҳкамлаш ишига асосий диққатимизни қаратиб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда шаҳар мактабларининг қарийб ҳаммасида электр техника, машинасозлик, слесарлик, токарлик, дурадгорлик, устахоналари бор. Мактабларни оталиққа олган корхоналар бу ишларда жуда катта ёрдам бердилар. Шаҳардаги электрокимё комбинатининг ажойиб ташаббуси газеталарда эълон қилинди.

Комбинат коллективи 880 ўринлик янги мактаб биносини битказиб, топширишга сўз берган эди. Коллектив ўз сўзини шараф билан бажарди. 11 январда янги мактаб очилди. Натижада 8- ва 15-мактабларда ўқишлар бир сменага кўчирилди.

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи 6-, 7-мактабларга, «Ўзбекхиммаш» заводи 2-, 9-мактабларга оталиқ қилиб, устахоналар қуришда, спорт майдончалари ташкил этишда, турли машина, станок ва асбоб-ускуналар етказиб беришда самарали ишлаганликларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Биз болаларни ихтисосли ва малакали ишчилар қилиб етиштириш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқдик. Шаҳардаги 2-мактабни тамомлаганлар машинасоз бўлиб, 3-мактабни тамомлаганлар тикувчи ва қурувчи бўлиб, 6-мактабни тамомлаганлар пойафзалчи бўлиб, 9-мактабни тамомлаганлар машинасоз ва 12-мактабни тамомлаганлар қурувчи бўлиб ишлайдилар.

Шаҳар халқ маорифи бўлими мактаблари оталиққа олган ва катта ёрдам кўрсатаётган завод ва фабрикаларнинг коллективларидан чексиз миннатдордир.

10-ўрта мактабнинг слесарлик устахонасида. СУРАТДА: 7-синф ўқувчилари. В. БЕДНОВА, В. СЕМЕНОВА ва Г. СИДНОСЯН слесарлик бўйича амалий машғулотда.

И. Глауберзон фотолари.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН

Эрталаб соат 9. Электрокимё комбинати касаба союз комитети раисининг ўринбосари Геннадий Иванович Бутьконинг кабинетида учрашдик. Биз Геннадий Ивановича мақсадимизни айтганимизда, у мийиғида кулиб туриб сўради:

— Нима десам экан? Яхшиси сизни қизиқтирган саволларга жавоб берақолай.

— Мактабларга оталиқ қилишнинг янги усули ҳақидаги ташаббус ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Очиғини айтсам, бу ташаббусни турмушнинг ўзи келтириб чиқарди. Бундай ўйлаб қаранг. Ўрта мактабни тамомлаган ёшлар саноат корхонасига келиб меҳнат қилолмаса, ундан огир парса йўқ. Тўғри, кейинги пайтларда ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш соҳасида анча ишлар қилинди. Аммо, бу соҳада ҳали жуда кўп ишлар қилишга тўғри келади. Шундай бўлишига эришиш лозимки, ўрта мактаб партасидан туриб келган ўқувчи тажрибали ишчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қила олсин. Бунинг учун мактаблардаги устахоналарга эътиборий кучайтириш лозим. Устахоналар ҳар томонлама мукаммал бўлса меҳнат дарсини тажрибали мутахассислар олиб борса малакали кишиларни етиштириш мумкин бўлади. Оталиғимиздаги 8- ва 10-мактабнинг устахоналарини бир бориб кўрсангиз..

10-мактаб ҳовлисидаги катта, ҳашаматли бинони кўриб, бу ер қўшимча синфхоналар бўлса керак, деган хаёлга бордик. Бу ерда мактабнинг слесарлик ва дурадгорлик устахоналари жойлашган экан. Худди завод цехларини эслатувчи катта хоналарда ўқувчилар станокни бошқармоқдалар, дурадгорлик билан шуғулланиб, турли асбоблар ясамоқдалар. Ўқувчилар қилаётган меҳнатини кўриб Тошкент-Чирчиқ автобусида бирга келган Ўринбой аканинг сўзлари ёдимизга тушди:

— Ҳўп замонлар бўлди-да, яшаган саринг, яшагинг келади. Болаларимни кўрганимда севинчимдан теримга сиғмай кетаман. Тўрт ўғлим бор. Икки ўғлим заводда ишлашади. Ўрта мактабни томамлагач, ўзим ишлайдиган «Чирчиксельмаш» заводига киришди. Тез орада токарь бўлиб етишиди. Уларни бу ҳунарга мактабдаёқ ўргатишган экан. Катта ўғлим эса педагог. У, ўрта мактабни тамомлагач, тўғри институтга кетди, уни битириб қайтди. Бу ўғлимнинг фанга ҳаваси зўр эди. Кичик ўғлим ҳозир еттинчи синфда ўқияпти, У, дурадгор бўладиганга ўхшайди.

Мактабдаги слесарлик ва дурадгорлик устахоналарига тажрибали Ризанов ва Горшчиков ўртоқлар раҳбарлик қилади. Ёш йигит ва қизларнинг бажараётган ишлари кишининг ҳавасини келтиради. Слесарлик цехида қичкина-қичкина қуракчалар, белчалар ва шунга ўхшаш буюмлар ясалмоқда. Бу буюмлар дурадгорлик цехига узатилиб, унда ўқувчилар бу кичкина буюмларнинг қолган қисмларини битириб, тайёр ўйинчоқларни яшчикларга жойламоқдалар.

— Ўқувчиларимиз, — деди ўртоқ Горшчиков, — ўзларининг кичик ука ва сингилчаларига ўйинчоқлар ясашга аҳд қилишди. Бу ўйинчоқларни биз боғчаларга совға қиламиз.

— Мактаб устахонасидан комбинат коллективи тез-тез хабар олиб туради. Улар устахонада нималар етишмаётганлигини, ўқувчилар қандай асбоб-ускуналарга муҳтожлигини билиб турадилар ва керакли асбобларни ўз вақтида келтириб берадилар.

Геннадий Иванович ўз кабинетида мактабларга оталиқ қилиш юзасидан комбинат коллективи олган мажбуриятни кўрсатган эди. Мажбурият 46 пунктдан иборат. Унда мактабларда турли устахоналар қуриш ва уларни асбоб-ускуналар билан таъминлаш, комбинат цехларида юқори синф ўқувчиларининг меҳнат машғулотларини ўтказиш, устахоналарга ёрдам кўрсатишга инструкторлар ажратиш, мактаб биноларини ва мебелларини ремонт қилиш, ўй бошқармалари ҳузурида турли спорт майдончалари ташкил этиш, пионерлар лагерларининг ишини яхшилаш, ҳаваскорлик тўгаракларининг ишини юксакликка кўтариш, ота-оналар лекторийси ишини мунтазам олиб бориш, «Ёш кинамеханик» тўгарагини тузиш, болалар учун спорт секциялари ташкил этиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Комбинат коллективининг бу ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига шак-шубҳа йўқ. Эндиги вазифа — ана шу ташаббусга қанот боғлаш, уни республикамизнинг барча саноат корхоналари ва ташкилотларига ёйишдан иборат.

П. Н. АНГЕЛИНАНИНГ ХОТИРАСИ

СТАРО-БЕШЕВО, (Сталино области). (ТАСС). Старо-Бешево районининг ғаллакорлари Прасковья Никитична Ангелинанинг хотирасини ҳурмат билан эсга олмоқдалар. 11 январда Прасковья Никитична Ангелина туғилган куннинг 48 йиллиги кунида, Старо-Бешево РТСи биноси олдида колхозчилар, совхоз ва РТС ишчилари, партия, комсомол ва совет ходимлари, Прасковья Никитична Ангелина билан кўп йиллар давомида биргаликда ишлаган кишилар тўпландилар. Бу ерда П. Н. Ангелинага ўрнатилган хотира тахтасининг очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

П. Н. Ангелина ҳақидаги ўз хотиралари билан сўзга чиққан қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Антонов, РТС директори ўртоқ Цимидалов, П. Н. Ангелина номидаги трактор бригадасининг бошлиғи ўртоқ Дмитриев ажойиб совет аёлининг меҳнат соҳасидаги шонли қаҳрамонликлари тўғрисида гапирдилар.

Хотира тахтасидан парда олиб қўйилади. Мармарга олтин харфлар билан қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилган:

«Бу ерда Старо-Бешево МТС (РТС)ида 1930 йилдан 1959 йилгача СССР Олий Советининг депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати Прасковья Никитична Ангелина тракторчи ва трактор бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаган эди».

Ўзбекистонда районлараро газеталар

Ўзбекистон территориясида ўн битта районлараро газеталар чиқарила бошланди. Бу газеталарнинг ҳар бири тўрт саҳифали бўлиб, уларнинг ўртача тиражи бешолти минг нусхадир.

Янги газета редакциялари малакали журналистлар ва катта полиграфия базаси билан таъминланди.

ҚАРДОШЛАР ЗАФАРИ — БИЗНИНГ ЗАФАР

ИККИ МИНГТА ЯНГИ МАГАЗИН

Киев областининг Белая Церковь районида катта универмаг очилди. Бу универмаг бу йил Украинанинг шаҳар ва қишлоқларида барпо этиладиган икки мингта янги магазинлардан биридир.

Львов, Полтава, Житомир областларида катта универмаглар барпо этилади. Кременчукда ресторан, саноат товарлари ва озиқ-овқат магазинлари бўлган савдо уйи очилади. Қишлоқ жойларида бир ярим мингтадан кўпроқ янги савдо корхоналари ташкил қилинади.

Киев, Суми, Тернополь шаҳарларида ва Украинанинг бошқа шаҳарларида озиқ-овқат товарлари запасларини сақлаш учун бир минг тонналик ва бундан ҳам каттароқ ҳажмдаги холодильниклар қурилмоқда. Запорожьеда 8 минг тоннадан кўпроқ турли озиқ-овқат маҳсулотларини сақлайдиган ва республикада жуда йирик ҳисобланган холодильникнинг биринчи навбат қисми ишга туширилади.

ЯНГИ МУЗИКА АСАРЛАРИ

Эстония музикасида ғоят ўзига хос асар — ёш композитор Эйно Тамбергнинг балет-симфонияси ёзилди.

Республика композиторлар союзида бўлган муҳокамада янги асарнинг шакли ва мазмунининг оригиналлиги, унинг оҳангдорлиги қайд қилиб ўтилди. Эстония ва Арманистон ёш композиторлари ижодий учрашувининг қатнашчилари ҳам балет-симфонияга юксак баҳо бердилар.

„ОҚ ОЛТИН“ ВОДИЙСИДА

В. КОЧЕТОВ

Самолёт Тошкентдан Андижонга учиб борарди. Биз тўрт минг метр баландликка кўтарилиб, бетини илқ қор артган Қурама чўққиларидан ошиб ўтдик. Бинафшаранг-қизил қоялар самолёт тагида, дарахтзор яшил ёнбағирлар, торгина зангари даралар; узиқ-узиқ парча булутлар худди шу қоялар, ёнбағирлар, даралар устида сузиб юрар, кўзни қамаштирувчи оппоқ қуёш шу булутларда тўғриб қолгандай эди.

Чўққи орқасида, шарқ-жанубда ҳадсиз тоғлар оралиғида ғоят улкан чуқурлик — Фарғона водисининг қадимги ерлари узала ётибди. Тоғлар серҳосил водини жануб, шарқ ва шимол томондан маҳкам қуршаб олган; табиат фақат ғарб томонда, тоғларнинг Ленинобод районида торгина раҳна очиб қолдирган, буни ҳормас заҳматкаш Сирдарё тошлар асирлигидан қутилиб Мирзачўлнинг кенг текис ерларига ўта олсин деб жўрттага очиқ қолдиргандай.

Пассажирлар орасида Иттифоқ комсомол Марказий Комитетининг икки секретари ва Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг секретари чўққидан ошиб учарди. Табиийки, сўз олдинги куни Тошкентда бўлиб ўтган комсомол пленуми ҳақида борарди. Кечаги докладчи — хушчақчақ, қочирим гап устаси Мирза Иброҳимов ўз докладини қайта хаёлдан ўтказар, ундан кўнгли тўлмас эди. У, кўп нарсани чала айтдим, кўп фикрни эсдан чиқариб қолдирдим, устига устак, жуда муҳим гапларни тез айтиб юбордим, деб ўйларди. Биринчидан, доклад яхши бўлди, иккинчидан эса, айтилмай қолган бирор нарса бўлса, музокарачиларнинг яхши нутқлари бу кемтикларни тўлдирди, деб уни юпатдилар.

Чиндан ҳам шундай бўлган эди. Ўзбекистон партия Марказий Комитетининг мажлислар залига республиканинг ҳамма томонидан тўпланган уч юз ёш киши ҳаётни қандай кузатганликларини, ўз тажрибалари, ўзлари ечолмаган ва танг қолган масалаларни, ўз маслаҳатлари ва режаларини бу ерда ўртага ташладилар, булар ҳақида ҳаяжон ва эҳтирос билан гапирдилар, бировлари ўзбекча, бировлари русча гапирдилар, лекин ҳаммалари ҳам бир-бирларининг гапини жуда яхши тушундилар.

Ўзбекистонга биринчи марта келган ва бу залдаги йиғилишда ҳозир бўлган мен республика учун, унинг бутун меҳнатсевар халқи учун пахтанинг—«оқ олтин»нинг нималигини китобий эмас, жонли сўзлардан биринчи марта тушундим.

Пленум ишчи ва қишлоқ ёшларининг умумий ҳамда техникавий маълумотини ошириш, ёшларнинг маданий савиясини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилди. Докладда қанча пахта терилгани, тайёрлов пунктларига топширилгани, уч миллион тоннага яқин ғоят катта планнинг бажарилишига яқин қолганлигини кўрсатувчи рақамлар айтилганда севинч ва шодлик қарсаклари зални янгратиб юборди. Ёшгина жувон, пахта териш машинасининг ҳайдовчиси Турсуной Охунова сўз олди. У, юзларча заҳматкаш қўлни огир меҳнатдан озод қилиб, терим машинаси билан шу бугунгача 200 тоннадан ошиқ пахта терганини гапириб берди. Ақил чалинган қарсак яна авжга чиқди. Мутахассис, янги машиналар бунёд бўлиб, улар меҳнат унумдорлигини тобора кўпроқ оширишини гапиради, залда яна хушвақтлик гуркиради.

Сўз республика пахтачилигининг ютуқлари ҳақида борганда, ҳар сафар ҳам худди ана шундай хуррамлик қарсаклари янгради. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ходимларигина эмас, ёш педагоглар, ёш олимлар, ишчилар, студентлар, врачлар, санъат ходимлари, ҳарбийлар — солдатлар ва офицерлар ҳам бўлиб, ҳаммаси бир ёқадан бош чиқарган ва якдил эди.

Иттифоқ комсомол Марказий Комитетининг секретарларидан бири, роҳатбахш водининг тепасида учиб бораётган самолётимиз тоғ тизмаларидан ошиб, Андижонга бурилаётган жойида туғилиб ўсган Қаюм Муртазоев неча ойлардан бери Москвада ишлайди, аммо дўстларининг таъбирига кўра, унинг Москвадаги иш куни, гарчи бир неча дақиқа бўлса-да, эрталаб рўпара келган ҳар бир кишидан Ўзбекистон пахта далаларида иш қандай бораётганлигини кўрсатувчи сўнгги маълумотни билишдан бошланар экан.

Туғилиб ўсган ўлкасининг ватанпарвари самолёт деразасидан бизга пастни, сарвқад тераклар, ўрикзор, нокзорлар, анорзорлар орасидаги тепасида тутун сузиб чиқаётган қишлоқларни, тўғри бурчак кенг далаларни, ғуппак ўсган тут дарахтларини, шаффоф суви ялтираб оқаётган ариқларни кўрсатади.

Кеч куз. Лекин яшил кўкатлар ҳали кўп. Пахтазорларгина оқиш кулранг тусга айланибди, улар ўртасида эса терим машиналари юпқа чанг кўтариб оҳиста сузарди.

— Машиналар! Мана булари ҳам машина! — деди Муртазоев хушнуд овоз билан. Пленумдан олдинги куни уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов раҳбарлик қилаётган колхозда бўлганимиз ҳаммамизнинг эсимизга тушди, биз шу куни худди шундай кулранг эгатларда юриб, бу катта, мураккаб, юзаки қарашда бесўнақай кўринадиган ўзиюрар машиналар ғўза тупларини эҳтиёткорона ушлаб, оппоқ очилган лўппак пахтани чаноқлардан суғириб олишини тамоша қилган эдик.

Етмиш ёшга кирай деб қолган раис бу машиналар кетидан ёшлардек енгил ва ҳормай қадам ташларди. У бизга, яқиндагина, уч-тўрт йил олдин, бу қимматбаҳо машиналар МТС ҳовлисида ва колхоз саройларида занг босиб бекор ётганини, пахтани машинада теришга қолоқ кишилар — қишлоқларда ҳам, баъзи республика раҳбар муассасаларида ҳам қаршилик кўрсатганларини гапириб берди. Машинада теришга ҳеч нима қолмасин деб очилган пахтани тонг отгунча тун бўйи қўлда тердириб юборганлар ҳам бўлган. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, машина эгатларда юролмай ботиб қолган, чунки машина етиб келгунча кимдир пайкалга сув чекиб қўйган.

Нимани кўзда тутиб шундай каттиқ қаршилик кўрсатилган? Балки, машинада терилса, пахтанинг сифати бузилади, бинобарин, колхоз даромади камайиб кетади деб қўрқиш орқасида бундай ноҳуш ҳол юз бергандир? Балки, бу ноҳуш ҳолга қўл теримида колхозчилар олаётган яхши иш ҳақидан ажраб қолинади деб ҳадиксираш сабаб бўлгандир? Балки, бунга кўпинча юз берадиган ўша сийқаланган консерватизм ва яна ҳар хил хурофий бидъатлар айбдордир?

Ана шу бидъатларнинг ҳаммаси бирга йиғилиб одамларни машинани обрўсизлантиришга чоғлаган. Қайсарлик билан жуда каттиқ чоғлаган. Аммо шундай каттиқ қаршиликларга қарамай, машиналар ғалаба қилди. 1959 йилда пахта ҳосилининг ўндан биридан кўпроғи машинада териб олинди.

Кимгадир, бу оз ва кам кўриниши мумкин — ўндан бири холос! Ҳа, тўғри: бу ҳали оз ва кам, албатта. Аммо, ҳар қалай, бу, катта, ҳал қилувчи бурилишнинг бошланишидир! Ҳозир пахтани машинада теришни хоҳламайдиган колхоз йўқ. Энди машина беришни сўраб, уни кутишмоқда, уларни омборлардан, қўрғонлардан қидиришмоқда, уларни бурганлар орасидан топиб, ремонт қилишмоқда, мойлаб, созлаб, парваришлаб қилишмоқда, машиналар устида бош қотиришмоқда.

Жуда равшан: пахта далалари ҳосилининг ўндан бир қисми машиналар билан териб олинди ахир. Машина теримида пахтанинг сифати бузилдими, ахир? Йўқ, равшан бўлдики, ҳеч ҳам бузилмас экан. Колхозчиларнинг иш ҳаки камайдими? Йўқ, равшан бўлдики, камаймади. Йўқса, далаларда янги машиналар тобора кўпроқ пайдо бўлган сари пахтакорлар нимадан ажралдилар. шубҳасиз, улар нимадан ажралдилар ва бундан кейин ҳам ажраб қолаверадилар?

Теримчилар огир, тинкани қуритувчи қўл меҳнатидан, хотин-қизларнинг сиҳат-саломатлигини емирувчи огир меҳнатдан «ажралдилар», чунки пахтани қўлда теришда, ҳар қалай, ҳануз асосий куч хотин-қизлардир. Теримчи кун бўйи икки букилиб пахта теради, унинг бели зирқираб оғрийди. Кўсаклар орасидан пахта тортиб олавериб бармоқлар чақа бўлиб кетади. Пахта тўла этакни кўтаравериб, елкалар қотиб кетади.

Ана шулардан «ажралинади». Қолганларининг ҳаммаси ютуқ, катта ғалабадир. Машина кунига юз ва икки юз теримчининг ишини қилади. Машина қанчадан-қанча кишининг вақтини меҳнатдан бўшатиб беради, ўзбек деҳқонларига маданий юксалиш, ўқиш учун канчадан-канча имконият яратиб беради!

Андижон аэродромидан чиқиб, сарвқад кўркам тераклар орасидаги асфальт йўлда бораяпмиз. Баланддан кўзимиз алдамаган экан: водини тизма тоғлар қуршаб олган, тоғлар усти қор, у ерда қиш, водининг ўзида эса илик, сокин куз, фақат дарахтлар ва ўт-ўланларнинг бир қисми сарғайган; табиатнинг кўп қисми ҳали ямяшил, гулзорларда ҳали кузга нур бахш этувчи гуллар очилиб турибди. ҳали пальтосиз юриб, бу ернинг қуёши нақадар иссиқлигини ўзинг сезасан.

Андижондан чиқиб, Калинин номли колхозла тўхтадик. Бу колхозда пахта Ўзбекистон учун чин олтин эканлигини нотиқларнинг ҳаяжон билан гапирган сўзларида, залдаги руҳий тўлқинлар мажжилагина эмас, кўз билан кўриб, қўлда ушлаб, тобора чуқур тушунасан ва ҳис қиласан. у гарчи оппоқ бўлса-да, салмоқдор, нодир олтиндир. Колхознинг кўп миллион сўмдан иборат даромадини, ўнларча хил машиналардан, кўпдан-кўп ишлаб чиқариш биноларидан таркиб топган бойлигини сенга гапириб берадилар: колхоз меҳнат кунининг салмоқдор нархини кўрсатувчи рақамларни айтиб берадилар: буни ҳар бир колхозчи ўрта ҳисобда ишлаб топаётган меҳнат кунларига дилда зарб қиласан-да, шундан кейин йўлларда хусусий «Москвич»лар, мотоцикл, велосипедларнинг бу қадар кўплигига таажжубланмайсан, қишлоқлар устида телевизорларнинг антенналарини тиклаган кучнимаданлигини, колхозчилар уйида Ўзбекистон халқлари онгида қадимдан бадавлат, тўқ турмуш тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўнлаб шойи кўрпаларнинг қаердан бунёд бўлганлигини пайқаб оласан.

Икки қаватли, ғўзал бино олдига келасан. Сенга, бу колхоз клуби, дейдилар. Лекин бу клубдан кўра, Маданият саройига ўхшаб кетади: унинг томоша зали шу қадар катта ва чиройли, кутубхона, ўқишхона, тўгарак машғулотлари ўтказиш, лекциялар тингласш учун қилинган ҳоналари шу қадар кўп. Буларни бирма-бир томоша қилиб юриб, Москва ва Ленинграддаги йирик заводларнинг ҳар бири ҳам Маданият саройларини Андижоннинг Калинин номли колхози клубидан ортиқ деб мақтана олмаслар, деб ўйлайсан.

Орадан сал вақт ўтмай биз иккинчи бир колхозда — Сталин номли колхозда бўлдик. Правление раиси ўртоқ Юсупов бизни яқинда қурилган, лекин ҳозироқ болалар кириб олган мактаб-интернат биносига бошлаб келди. Кенг, ёруғ биноларнинг иссиқ, покиза, ғўзал. Ўринлар оппоқ тўшалган, дераза пардалари ҳам оппоқ. Жиддий, хушёр, қўлига белги боғлаб олган кичкинтой навбатчи тартиб-сарištаликни кузатиб турибди.

Раис интернатни қуришга кетган миллион сўмлаб харажат, колхоз бунга ҳар йили ажратадиган катта маблағ ҳақида гапирди, лекин булар ҳақида одатда нобудгарчилик тўғрисида алам ва афсус билан гапиргандай эмас, балки катта ғалабани қўлга киритган кишиларга хос ғурур билан гапирди.

Республиканинг яхши колхоз кишлоғида туғилган кўплаб кичкинтой гражданларнинг жуда соз шароитда яшаш ва ўқиш имкониятига эга бўлган эканлар, боболардан қолган турмуш-маишатга маҳкам ёпишиб олган ота-оналари ҳали кўпинча эриша олмаётган маданиятга улар эришаётган эканлар, бу ерга, шу синф, ётоқхоналарга жам бўлган ўнларча миллат болалари бир партада ёнма-ён ўтириб, бир ётоқхонада ёнма-ён ётиб, халқларнинг мустаҳкам қардошларча дўстлиги муҳитида ўсаётган эканлар, бу ғалаба эмасми ахир!

Колхоз раиси мамнун жилмайиб, бизни чор атрофи баланд девор билан ўралган участкага бошлаб келди, дарвозасини якка оғиз милтиқ таққан киши қўриқлаб турган бу қўрғон ичида пахта ғарамлари оппоқ тоғ бўлиб юксалган; улар пухта ўюлган, сипсилиқ қилиб таралган устига брезент ёпиб маҳкам тортиб қўйилган. Юсупов ёнимизда турарди, назаримда у, бир қадар ғурур билан тантанавор турарди, бу аён бир ҳол: умумий вазни саккиз минг тоннадан иборат бу оқ тоғлар (бу, ҳали бутун колхоз тер тўкиб қилган меҳнатнинг тўла якуни эмас), — бу, неча ўн мингдаб иш куни, бу ҳам мактаб-интернатни таъминлайдиган, ҳам қурила бошлаган колхоз пахта тозалаш заводини битказадиган, ҳам кўпдан-кўп бошқа ишларни бунёд қиладиган маблағ, хуллас, бу «оқ олтин»дир.

Колхоз пахта қуритадиган сушилкани бирон завод цехига ўхшаган катта цехни, завод машина ва агрегатларидек гурилдаб турган, завод меҳнатидек тартиб-интизом мавжуд цехни айланиб кўрдик. Ўйлаб қоламиз: бу ерда нималар содир бўлаяпти — бу ерда колхозчилар, яъни деҳқонлар ишлаяптими, ёки ишчилар? Бу саволга дарров жавоб бериш осонгина эмас. Униси ҳам, буниси ҳам бирга қўшилган. Қишлоқ хўжалик меҳнатини механизациялаш ва индустриалштириш заминида Ўзбекистон қишлоқларида ишчилар синфининг қатори ўсмоқда.

Механизация ҳақида, машиналар ҳақида гапирамиз, машина техникасининг ютуқлари билан ғурурланамиз, қўл меҳнати хусусида қайғирамиз...

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

А. П. ЧЕХОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУЖЖАТЛИ КИНООЧЕРК

Ҳужжатли фильмлар марказий студияси А. П. Чехов туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан улуғ ёзувчининг ҳаёти ва ижодий йўлига бағишланган киноочерк тайёрлаб чиқарди.

...Экранда Чехов туғилган ва ўзининг болалик йилларини ўтказган Таганрогдаги уйча, у ўқиган гимназия, Чехов ҳамма вақт бориб турган шаҳар театри, ёзувчининг Москвада, Москва атрофида, Ялтада бўлганлиги билан боғлиқ тарихий жойлар намоён бўлади. Фильмда иконография материаллари — Чехов ўзининг дастлабки асарларини бостирган ҳажвий журналлардан, унинг қўл ёзмаларидан, асарларининг дастлабки босилиб чиққан тўпламларидан, Чехов пьесалари биринчи марта қўйилган эзлоилардан, ёзувчи ўзининг қариндош-уруғлари билан биргаликда тушган кўпгина фотосуратлардан, унинг Сахалин оролига килган сафари билан боғлиқ бўлган ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Фильм авторлари ёзувчининг таланти қандай шаклланганлигини, унинг энг яхши асарлари қандай яратилганлигини кўрсатишни, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан Чеховнинг ижодий алоқасини кўрсатишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйганлар.

«Чехов» фильми 1954 йилда чиқарилган кинофильмнинг янги таҳриридир. Очеркка янги суратлар киритилган. Унда «Гилоф бандаси», «Тўй», «Келин», «Юбилей» номли фильмлардан фрагментлар, «Ваня тога», «Олчазор» ва «Уч опа-сингил» пьесаларидан МХАТ артистлари ижросида парчалар кўрсатилгач. Фильмда Н. Телешовнинг Чехов билан бўлган учрашувлари ҳақидаги ўз эсдаликларини сўзлаб берган нутқи. Бадиий театр саҳнасида «Чайка» номли биринчи спектакль тўғрисида О. Книппер-Чехованинг ҳикояси сақланиб қолинган.

«Инсон ҳақида, халкимизнинг кўрки ва унинг куч-қудрати ҳақида Чехов айтган ҳақиқат яшаб турганлиги учун, инсониятнинг бахт-саодати ҳамда озодлиги учун зарарли бўлган ҳамма нарсалар устидан Чеховнинг ғолибона, йўқ қилувчи кулгиси янграб эшитилаётганлиги учун. Ватанимиз улуғворлигига муносиб ҳаёт келишига Чеховнинг ишончи таптана қилаётганлиги учун Чехов биз билан яшаб турибди ва ҳамиша яшайди». Дикторнинг ана шу охирги сўзлари Чехов асарлари бизнинг давримизда ҳам аҳамиятли эканлигини характерлаб беради.

«Чехов» номли фильм сценарийсининг автори ва режиссёри С. Бубрик буюк кишилар ҳақидаги кўпгина ҳужжатли киноочеркларнинг автори сифатида томошабинлар орасида машҳурдир. Фильмнинг сўзлари А. П. Чехов ижодиёти тадқиқотчиларидан бири — адабиётшунос В. Ермилов томонидан ёзилган. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ВОЛЛАСТОНИТИ

Қўйтош вольфрам конига яқин жойда Нурота тоғларида волластонитнинг бой кони топилди. Бу толали ялтироқ минералдир. Бу ерда шу йилнинг ўзидаёқ 30 минг тонна минерал қазиб чиқарилади ва сараланади.

**Волластонит санитария чинниси, фаянс ва терракоталар ишлаб чиқариш учун қимматли хомашё ҳисобланади. Минералга бир оз қўшимча қўшилиши билан йирик панелли уй қурилишида қўлланиладиган девор плиталарининг пишиқлиги кескин даражада оширилади. Металлургия саноатида ундан шлакларнинг ёпишқоқлигини созлаб турувчи сифатида ва сварка қилинадиган электродларни мойл

„ОҚ ОЛТИН“ ВОДИЙСИДА

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Қўл меҳнати хусусида қайғириб, ниҳоят ундан қутилиш устида тинмасдан ўйлар эканмиз, инсон қўлининг бу оддий буюк меҳнатига такаббурона қарамаймиз. Фарғона водиси ерларида қўл меҳнатига юз йиллик ғоят улкан ҳайкал қуриб қўйилди. Совет кишилари йигирма йил олдин Катта Фарғона канали қурилишининг маълумотларини ҳаяжон билан кузатиб борган, сув учун, шўрҳоқ ерларни серҳосил қилиш учун олиб борилган қизғин жанглар фронтидан ёзилган ҳар бир хабарни қайта-қайта ўқиган эдилар.

1939 йил 1 августда бир юзу олтмиш минг киши трассаларга чиққан, кетмон, замбил ва саватлар билан бўлғуси канал йўлида 18 миллион кубометр тупроқ чиқарган, 45 кунда узунлиги 270 километр канални қазиб битказган; кейин қурувчиларга механизм билан қуролланган мутахассислар келиб ёрдам берган, улар биргаликда 38 минг кубометр бетон, 40 минг кубометр тош ётқизган ва умумий ҳажми 14 минг кубометрдан иборат ёғоч билан маҳкамлаш ишларини бажарган эдилар.

Биз Катта Фарғона канали бош тўғони устидамиз, қулфларнинг пўлат тахталари тагида муздек сувнинг зарб билан жадал оқишини кузата туриб. Сирдарёнинг тоғдан келувчи боши — Норин сувн тошдан-тошга сакраб оқувчи Қорадарёга қўшилиб, бу ерга биринчи етиб келган ва яна йўлга тушиб, ҳозир ҳосили пишиб етилган пахта далаларига, токзорлар, қовун, ўрик, анор, маккажўхорилларга, иссиқ жанубга хос барча мева ва башоқларга ҳаёт бериб йўлида давом этган жўшқин дамларни эслаймиз.

Фарғона водисига бораётганимизда биз бу канал устидан кўп марта ўтдик. У ҳамма ерда оқади, унинг ирмоқ ва ирмоқчалари ҳамма ерда оқади, уларнинг ёқаларидаги қалин яшил дарахтзорлар, ҳар квадрат метри инсонга манфаат келтираётган минг-минг гектар ерлар йигирма йил олдин сарфланган меҳнатнинг жонли процентлари бўлиб турибди.

Андижон областига қўшни бошқа область марказида — Наманганда тунадик. Қоронғи боғлар тепасида илиқ шабада сас чиқариб эсади. Радиодан Москвада совуқ бошлангани ҳақидаги маълумотни эшита туриб, биз бу ердаги илиқ ҳаводан хурсанд бўлдик. Область партия комитетининг секретари бундай деди:

— Бу совуқнинг озгинаси бизга ҳам келса эди! Лоақал бир кун. Лоақал икки-уч даража...

Йиғим-терим поёнига етаётганда, гарчи таажжуб туюлса-да, совуқ тушиши пахтакорларга ниҳоятда зарурлигини шимолда яшовчиларнинг ҳаммаси ҳам билавермайди. Куз фаслининг охиларида кун ривождан орқада қолган ғўза кўракларини етилтирадиган ва очилтирадиган даражада исмайди. Бундай пайтларда кўракларни фақат совуқ очилтира олади.

Совуқ бўлмади-ю, эртасига илиқ ёмғир севалаб ёға бошлади. Биз Наманганнинг магазинлари, дўконлари ва кабобпазликларини кўриб борардик. Уч каватли катта янги бино олдида тўхтадик, бу бинонинг тўртинчи қавати ҳам бўлиб, у пастда эди. Вивескадаги ёзув бу бино областдаги сельполардан бириники эканлигини кўрсатиб турарди, унинг ер тагидаги қавати рўзғор буюмлари универмаги, устки қаватлари эса кафэ-ресторан, озиқ-овқат магазини ва чойхона эди.

Жуда яхши жиҳозланган рўзғор буюмлари универсал магазинида хилма-хил говарлар шу қадар кўпки, бунда бор молларнинг ҳар бирини Москвадаги Давлат универсал магазинидан ҳам кириш билан дарров топа олмайсиз. Сельпо ресторани ҳам баъзи пойтахт ресторанлари билан бемалол басма-баслаша олади. Тепа қаватдаги чойхонага келганда, уни алоҳида таърифламоқ керак.

Улкан, кўркам залдаги бу чойхонада бировлар столлар ёнида, иссиқ тўн, қора ласга кунгира гул солиб тикилган ўзбекча дўппи кийган ўнлаб қариялар махсус ясалган сўрига тўшалган гилам устида олдиларига қориндор чойнак қўйиб, пиёлада чой ичиб ўтирардилар. Умумий суҳбат гурунги борарди. Чойнаклардан пиёлага кўк чой қуйиб бир-бирларига узатишар, бир-бирларини нонга таклиф қилишар, шу кунлардаги воқеаларни, айниқса бугун эрталабки газета ва радио хабарларини муҳокама қилашарди. Уларнинг кўпни кўрган кўзлари, дала қуёшида тобланган серажин юзлари, мош-гуруч узун соқоллари, бароқ қошларининг дастлабки қора ранги ҳали ўз аксини йўқотмаган эди. Донолик ва осойишталик уларнинг шошма-шошарликдан холи бутун борлиғида намоён эди.

— Нега ёшлар кўринмайди? — деб сўрадик.

Бу ёшлар жойи эмас. Бу қариялар чойхонаси. Бу — эски партизанлар, бир вақтлари Совет ҳокимияти учун курашганлар, коллективлашни биринчи бўлиб бошлаб берганлар, умумий ишни деб кўп меҳнат қилганлар, ҳозир олтмиш, етмиш ва етмишдан ошган, шўрва, кабоб ва паловдан кейин бори-йўғи ўттиз тийин турадиган бир чойнак кўк чойни олдига қўйиб бемалол дам олиш ва чойхўрлик қилиш ёшига етганларнинг роҳат жойи.

Баъзан бу ерга ёшлар ҳам сезмай кириб қолишади. Улар бир чеккада шовқинсиз, жим ўтиришлари керак. Мабодо ёнларида ароқ ёки вино олиб киргудек бўлсалар, буларни учинчи қаватдан кўчага улоқтириб ташлашга мажбур бўладилар. Осойишталик ва қаттиқ тартибни боболарнинг ўзлари сақлайдилар. Бу тартибни бузиб бўлмайди.

Улар ўтмиш вақтларни эсга оладилар, келажакни ўйлайдилар, кизиқчилик қилишадиларки, бунга Хўжа Насриддиннинг ўзи ҳам ҳавас қилган бўлур эди. Кексалар аскияни, аскияга ўткир аския билан жавоб беришни яхши кўрадилар. Чойхонани қурган, ҳажвга диди баланд усталар деворлардан бирига «Дам олаётган айиқлар» ва «Тўққизинчи пўртана» суратини эмас, Шарқ рақсларидан бирига ўйин тушаётган тўртта қизил юз ғўзал қизнинг суратини чизибди. Бу сурат олдида доира тортган боболар гурунгида тез-тез кулги кўтарилади. «Улар нимага кулишяпти?» — таржима қилиб берилишини сўрадик биз. «Таржима қиларлик эмас сурат хусусида аския қилишяпти. Шўхлик қилишяпти» дел кула-кула қўл силтади маҳаллий ўртоқлардан бири.

Зинопоядан тушаётиб ёши саксондан ошиб кетган бобога рўпара келдик, у чопонининг барини кўтариб юқорига бардам қадам босиб чиқар эди. Маълум бўлдики, у ҳар куни бундан бир соат олдин келар экан, ёмғир ёққанлиги туфайли кечикиб қолибди, улфатларим тарқалиб кетмасин, деб шошилаётган экан.

Ишни колхоз бозоридаги дўконда қовун сотишдан бошлаган, кўркам, бой универмаг, ресторан қуриб савдо қилиш, қарияларга оқилона ғамхўрлик қилиш даражасига етган бу ажойиб сельпонинг ташаббусига ҳайратда қолиб, водийнинг соз йўллари бўйлаб жўнадик.

Ўртоқлар, Тельман номли колхозга тушмай, гарчи ярим соат бўлса-да меҳмон бўлмай ўтиб кетишнинг сира иложи йўқ. дейишди. Тушдик, ярим соатга эмас, албатта. Бу ерда кўриб томоша қиладиган нарсалар бор. Бу ерда автомат усулида мол суғориладиган, озуқа келтириладиган янги тартибдаги молхона қурилган; бу колхозда тўқ-қизил помидорлар пишиб ётган катта теплица бор; узум, нок, анор, қовун-тарвуз киши билан сақланадиган иморатлар қурилганини кўрасиз.

Ўзбек батрагининг ўғли раис Йўлдошев колхоз бойликларини бажонидил кўрсатди:

— Асосий бойлигимиз мана бу-дар! — У бизни баъзиларга одам кўчиб кирган, баъзилари ўз эгаларини кутаётган янги уйлар қатор тизилган кўчага бошлаб чиқди. — Никита Сергеевич Ўзбекистонга келганида, — дейди Йўлдошев, — эски қулбалардан янги уйлар қуриб кўчиб чиқмаганимиз учун бизни қаттиқ уялтирган эди. Миллион-миллион сўм даромад қиламиз. Илгари кишилар хаёл ҳам қилолмаган даражада яхши яшашимиз мумкин Мана энди қурилишни авж олдириб юбордик. Энди эски қулбаларнинг умри тугайди.

Бутун Фарғона водисида қурилиш жадал бормоқда. Уй-жойлар қуряптилар, каналлар, ариқлар қазияптилар, буларга кўприклар соляптилар, клублар, интернат-мактаблар, колхоз правлениеларига янги бинолар қуриб битказяптилар. Улкан «Ленинград» колхозида шарқча услубда қурилган жуда яхши ҳаммомни кўрсатдилар. Бу ҳаммом тамоман шарқ тартиб-қоидалари асосида иш кўради: бунда иссиқ ва совуқ хоналар, ёнида буфети бор, доимо тайёр кўк чой ва мастава пишиб турган дам олиш хонаси бор.

«Ленинград» колхозидан кейин Сирдаёдан ўтдик. Унинг соҳиллари Украина манзаларидай ям-яшил ва хушманзара. Сал ўтмай шўр тошганидан оппоқ оқариб кетган. Қорақалпоқ саҳроси деб ном олган дамқовоқ даштга қараб йўл олдик. Одамлар саҳро бағридан тортиб олган ерлар, пахта далалари тугади, йўл ёқаларида ингириш ўсимликларигина қилтиллаган яйдоқ қумтепалар тез-тез орқада қолмоқда...

Мана экскаватор ковлаб ташлаган чуқур зовур, иккинчиси, учинчиси. Маълум бўлдики, бу ер дастлабки қарашда кўринганидек бу қадар ўлик эмас экан. Мана одамлар турадиган вагонча, бензин солинган бочка. Қаердадир олисда гулхан ёнмоқда. Одамлар янги каналларга йўл солмоқда, уларни қазимоқда, тўғон ва қулоқлар қурмоқда. Ҳар каер-ҳар қаердаги чуқурларда Сирдарёдан келган сув йилтиллаб кўринмоқда. Сув келган экан, бу ерда ҳаёт ҳам муқаррар жўш уради.

Фарғона области чегарасида бутун-бутун посёлкаларни, кўчалар ёқасида ўнлаб бинолларни кўрдик; посёлка атрофлари эса пахта далалари. Уч йил олдин қумтепалар ўртасида битта уйча пайдо бўлди, бунда истеъфодаги майор раислигида мажлис ўтди, бунга ҳаммаси бўлиб беш киши қатнашди. Бугунги кунда саҳрога қарши қаттиқ ва ғолибона ҳужум қилаётган янги колхоз шу тариқа оламга келди.

Ўзига хос хусусият — посёлка ҳалитданоқ яшил дарахтлар, тераклар билан қопланган. Бу ажойиб ўзбек таомулининг мевасиз: онлада ўғил бола оламга келганда унинг ота-оналари ҳовли олдига ўн беш туп терак қаламчаларини экади, бола вояга етиб, уйланганда бу теракларни кесиб ўзига уй қуради. Эски таомул кенгаймоқда: бола туғилгандагина эмас, ҳар қандай бино қурилса ҳам атрофига дарҳол албатта дарахт ўтқазилади.

Кечқурун йирик шойи комбинатига эга бўлган Марғилон шаҳрига бордик, Фарғонада тунадик. Эрталаб маълум бўлди, Ўзбекистон пахта териш ва давлатга топшириш планини бажарибди, энди бундан буён терилган пахта пландан ташқари, яъни уни ошириб бажариш ҳисобига топширилади. Икки кун олдин Андижондаги Сталин номли колхозда бизга пахтанинг катта ғарамини, брезентлар билан ўраб қўйилган баланд пахта тепалигини кўрсатган эдилар. У саккиз минг тоннадан иборат пахта эди. Бутун республикада териб топширилган уч миллион тонна пахта бир ғарам қилинса нақадар баланд тоғ бўлиб кўтарилади!

Фарғона аҳолисининг шу куни катта, шодиёна байрам кунидек ҳис қилганлиги бечиз эмас. Ҳамма бир-бирини худди байрамдагидек табриклашарди. Баъзи бировлар сўз орасида «Эҳ, қиттак совуқ тушса эди!» деб кўшиб қўярди. Совуқ эса кўракнинг очилишини тезлаштирган бўлурди.

Лекин совуқ бу сафар ҳам тушмади. Кўчалари қуюқ дарахтлар билан қопланган ғўзал шаҳар ям-яшил эди: майин шабада кечаги булутларни қувиб юборган, илиқ қуёш ярқираб турибди.

Лекин, афсуски, Мирза Иброхимовнинг Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети пленумидаги докладининг бир жойини шу ғўзал шаҳарда яна эслашга тўғри келди. Марказий Комитет секретари машинада пахта теришнинг атоқли устаси, республикадаги илғор ёш жувон Турсуной Охунова номи қаторида ҳали паранжидан қутилолмаган ўзбек аёллари номини ҳам аташ мумкинлигини, ўрта аср урф-одатларининг ҳанузгача йўқолиб битмаганлигини гапирган эди. Биз шу куни Фарғонада ва унинг атрофидаги йўлларда қора чачвонга бурканган кўп аёлларни кўрдик. Асрлар оша эргашиб келаётган бу соғаг, бу кора шарпага тикилиш ғалати, ғалати-ю, лекин алам қиладиган бир ҳол эди.

Йўлимиз Фарғонадан ғарбга тушди — Тошкентга қайтиш лозим эди, бу safar самолётда эмас, машинада қайтиш лозим бўлди.

Йўл бўйи жануб ва шимолда водини қуршаб олган тоғлар олисдан кўринди турди. Улар биз бораётган ғарб томонда аста-секин туташиб кетган эди. Биз у ерга етиб борганимизда водининг шарқий ҳудуди бўлган Андижонда машинага тушиб, Намангандан Фарғонагача қоқ ўртасидан ўтиб, Фарғонадан эса Сирдарё тоғлар қуршовидан чиқиб Мирзачўл ерларига ўтадиган ғарбий тамоғигача бутун водини машинада айланиб чиққан бўламиз.

Қўқонда водидан чиқиб кетаётиб сўнгги марта ўзбекларнинг ажойиб меҳмондорчилигида бўлдик, олис йўлга чиқиш олдидан жуда лаззатли ўзбек таомларидан тўйиб едик. Бу таомлар ҳар вақтдагидек жуда кўп ва хилма-хил эди. Қаюм Муртазоев бу ҳақда Наманган чойхонасидаги аскиячи боболарга хос бир аскияни айтиб берди. Мезбон меҳмондан сўрайди: «Кўнглингиз нимани хоҳлайди — шўрвами, паловми?» Меҳмон: «Йўларингда қозон битта холосми?» деб жавоб беради.

Кеч оқшомда Беговотга жўнадик, бу ерда йўл Мирзачўлдан ўтади.

Мирзачўл... Баъзи бир хил хабарларда ҳануз таъриф қилинадики, Мирзачўл ҳувиллаган, даҳшатли, оч даладан иборат жой, бу ердан юрганлар кўп хавф-хатарга йўлиқади, чўнтагига командировка гувоҳномасини солиб бу саҳрога келиб юрган ҳар бир кишини лоақал алоҳида медаль билан мукофотласа арзийди.

Ўтмиш вақтни кўзда тутиб айтилса бу гаплар ҳаммаси тўғри. Ҳа, бир вақтларда Мирзачўлдан ўтиш, унинг ҳувиллаган қумтепаларида тунаш хавф-хатарли эди. Қоронғида адашиб, асфальт йўлдан тойдек, ёмғир шўрини ювиб кетган қўрқинг бир жойига бориб қолдик. Шу ерда Ҳамроқул Турсунқуловнинг, тунда кимдир биров машиналар юролмасин деб очилган пахтазорга сув қўйибди, деган ҳикояси эсимизга тушди: машинамизнинг ғилдираклари елимга ёпишандек ботиб қолди, аста-секин чўкаверди.

Лекин атрофимизда саҳро йўқ эди: чўлнинг ҳаммаёғи чироқ — электр лампочкалари, керосин чироқлар ёниб турарди, бутун саҳрони асфальт йўллар кесиб ўтган, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда уйлар кўзга чалинар эди, қариб саҳро марказида эса эндигина бунёдга келган Янгиер шаҳри тунда атрофни чароғон қилиб жўшқин ҳаёт кечирмоқда. Бу ердан ҳамма ёққа катта ва кичик ариқлар кетган. Саҳрони ўзлаштиришга келган кишилар шу ариқлардан сув очиб, ерни уч бор ювадилар, сув шўрни оқизиб кетади, бу ерларда яшил пахтазорлар барқ уради. Яна оз йиллар ўтади, шундан кейин одамларга, нимага бу ер оч саҳро деб аталганини тушунтириб бериш қийин бўлиб қолади. Бу ерлар ҳам орқамизда, Қурама тоғлари ортида қолган водидай ғўзал ўлкага айланади.

Ҳали Тошкентга етилгани йўқ. Сўнгги ахборот эшитгирилди. Радио, бугун кечаси Фарғона водисида совуқ тушади, деб хабар қилди. Бу хабарни эшитиб пахтакорларнинг нақадар ҳурсанд бўлишини кўз олдимизга келтирдик, биз ҳам улар билан бирга қувондик: совуқ кўракдан олинадиган юз тонналаб момиқ; бу тонналарда нақадар катта ҳаётбахш куч борлигини «оқ олтин» водиси уч областдаги узоқ йўлнинг ҳар бир километрида аниқ кўриш мумкин эди.

Й. ШАМШАРОВ таржимаси.

(«ПРАВДА», 8 январь).

РОСТОВЛИКЛАР ИЗИДАН

ТОШКЕНТ. Ростовлик врачларнинг аҳолига медицина хизматини яхшилаш юзасидан бошлаб берган ажойиб ташаббуси республикамизда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Пойтахтнинг кўпгина медицина олимлари ишдан кейин корхоналардаги медицина пунктларида, клиника, диспансерларда консультация бермоқдалар. Бу ишга шаҳардаги 150 дан ортиқ профессор, доцент ва ассистентлар қўшилдилар. **Суратда:** Тошкент медицина институти Госпиталь педиатрияси кафедрасининг доценти, республикада хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати **М. Любецкая** (ўнгда) 7-болалар поликлиникасида консультация бераётир.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХОЛИС ЁРДАМ

Бундан беш кун муқаддам баланд Асуан тўғони қурилиши бошланди. Бу воқеани Миср халқи миллий байрам сифатида нишонлади. Шу муносабат билан ўтказилган оммавий митингда Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир, БАР Миср районининг жамоат ишлари министри Муса Арафа, шунингдек СССР Электростанциялар қурилиши министри И. Т. Новиков нутқ сўзладилар. Улар ўз нутқларида Асуан тўғонининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта ролини таъкидлаб ўтдилар.

* * *

Маълумки, Бирлашган Араб Республикасининг Миср районида деҳқончилика яроқли ерлар жуда кам. Бу районда яшовчи 24 миллион аҳолига фақат 2,5 миллион гектарга яқин деҳқончилика яроқли ер тўғри келади. Шунинг учун ҳам мамлакат экономикасини ривожлантириш, аҳолининг тириқчилигини яхшилаш кўп жиҳатдан бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштиришга, қақраб ётган даштларга сув чиқаришга боғлиқдир. Африка қитъасида энг йирик гидротехника иншоати ҳисобланган баланд Асуан тўғони миср халқининг асрий орзусини рўёбга чиқаради, азим Нил дарёси бағридаги биёбонларга сув беради. Тахминий маълумотларга кўра, Асуан тўғони 820 минг гектар ерга сув чиқаради, 130 миллиард кубометр сув сақлайдиган сув омбори қурғоқчилик йилларида экин майдонларини сув билан таъминлайди. Умуман, Асуан тўғонини қуриб ишга туширилиши натижасида Миср районида деҳқончиликка яроқли ерлар 30 процентдан зиёд кўпаяди.

Баланд Асуан тўғони ёнида катта гидроэлектростанция қуриш пландаштирилган. Электростанция йилига 10 миллиард киловатт соат электр қуввати ҳосил қилади. Бу ҳозир Миср районида ҳосил қилинаётган электр қувватидан ўн баравар кўп.

Ана шундай гигант қурилишнинг биринчи навбати Совет Иттифоқининг моддий-техника ёрдами билан амалга оширилади. Асуанда Волга, Днепр, Ангара, Сирдарё гидроиншоотларида синаланган қудратли машиналар, тўрт кубалик урал экскаваторлари, 25 тонналик автосамосваллар ва бошқа совет машиналари ишлайди. Шу кунларда юзга яқин саноат корхоналаримиз Асуан тўғони учун зарур бўлган машиналар ва турли асбоб-ускуналарни тайёрламоқда. БАР га берилган 400 миллион сўм қарз ҳисобидан Совет Иттифоқи Асуан тўғони учун мингларча тонна металл, кабель маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, ёғоч ва бошқа материалларни юборади. Шунингдек совет мутахассислари Асуан тўғони қурилишида бевосита қатнашадилар, миср ишчиларига ўз билимларини ўргатадилар.

Совет Иттифоқининг миср халқига кўрсатаётган ёрдами беғараз, ҳеч қандай сиёсий шартларни кўзда тутмайди. Совет Иттифоқининг ёрдами, деди Абдил Носир Асуанда бўлган митингда сўзлаган нутқида, «бирор шарт ёки писандалар билан сира боғланмаган».

Совет халқи шунга қаттиқ ишонадики, Асуан тўғонининг қуриб ишга туширилиши Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

А. БОСИТ.

«БАЛАНД АСУАН ТУҒОНИ» МЕДАЛИ Н. С. ХРУШЧЕВГА ТОПШИРИЛАДИ

ҚОҲИРА, 11 январь. (ТАСС). Қоҳира газеталарининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикаси президенти Жамол Абдил Носир «Баланд Асуан тўғони» деган эсдалик олтин медалини СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевга тақдим этиш учун СССР Электростанциялар қурилиши министри И. Т. Новиковга топширган.

Бу медаль юқори Миср да Асуан тўғони қурилишида ишларнинг расмий равишда бошланишини нишонлаш учун чиқарилган.

ДЎСТЛИК МИССИЯСИ

А. И. МИКОЯННИНГ МЕКСИКАДА БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

«А. И. Микоян Мексикада» номли рангли ҳужжатли фильм 12 январда кўрсатила бошланди.

Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси томонидан чиқарилган бу фильм Мексикада Совет Иттифоқининг фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқлари виставкаси очилганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микояннинг ана шу мамлакатга қилган сафари тўғрисида ҳикоя қилади. Операторлар А. И. Микояннинг республика президенти Лопес Матесс ҳузурида бўлганлигини, совет виставкасининг тантанали суратда очилганлигини, конгрессда Мексика сенаторлари билан бўлган учрашувларни, мамлакат шаҳарлари бўйлаб қилинган сафарни суратга олганлар. Фильм кадрлари мексикаликлар совет меҳмонини самимият билан кутиб олганлигидан далолат беради. (ТАСС).

ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Литературная газета»сининг Тошкентда бўлган газетхонлар конференцияси жуда мароқли ўтди. Конференцияда газета редколлегиясининг аъзоси В. А. Солоухин газета ишлари билан қисқача таништирди ва газетанинг ютуқ ҳамда камчиликларини кўрсатиб беришни йиғилиш қатнашчиларидан илтимос қилди.

Конференцияда сўзга чиққан газетхонлар газетанинг катта ютуқлари ва совет газетхонларининг унга бўлган муҳаббати ҳақида гапириб, бир қанча истаклар билдирдилар. Хусусан, Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган катта муваффақиятлар, ўлкамизнинг битмас-туганмас бойликлари, ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги муваффақияти газета саҳифасида тўла ёритилмаётганлигини айтдилар.

Яқин вақт ичида «Литературная газета»нинг махсус бригадаси Ўзбекистонга келиши ҳақидаги хабарни газетхонлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

ШАШКА ОЛТИНЧИ УЧРАШУВ

Мастер Ёқубов ва Канишчикер ўртасидаги учрашув дуранг бўлди. Гуляев—Раппопорт учрашуви ҳам кескин қурашлар билан ўтиб, дуранг бўлди. Мастер Хейф биринчи разрядли шашкачи Китаевга қарши ўйинда чиройли комбинация ўтказди. У беш шашкани қурбон бериб, бир шашка олди ва дамкага чиқиб кетди.

Берштейн Угайни, Александров Мирзаевни, Давидов Қосимовни ютди. Черкасский ўйинни яхши бошлаган бўлса ҳам кейинчалик жиддий хатога йўл қўйиб енгилди.

Олти турдан кейин 4,5 очко олган И. Берштейн олдинда бормоқда.

Е. ЧЕРКАССКИЙ

«МУШТУМ»НИНГ МАХСУС СОНИ

«Муштум» журналининг республика пахтакорлари, чорвадорларининг йиллик иш якунларига бағишланган махсус сони чиқди. Бунда 1959 йил бошида дабдабали ваъдалар берган ва катта мажбурият олиб, аравани қуруқ қочган, охирида планни бажаролмаган баъзи районлар, шу жумладан, Андижон, Олтиариқ, Ўзбекистон, Шеробод, Избоскан, Ўрта Чирчиқ каби районлар қаттиқ ҳажв қилинади.

Бундан ташқари, «Муштум»нинг махсус сонида Сурхондарё область, Шеробод районидаги Ленин номли ва «Янги турмуш» колхозларида қўйлар семиртирилмай ориқ ҳолда гўшт мажбуриятига топширилиши колхозга катта зарар келтираётгани фош этилади.

Махсус сонда чорвачилик темасига кенг ўрин берилган. Унда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорликни ошириш, чорва бинолари қуриш, фермалардаги ишни механизациялаштириш ем-хашак базаси яратиш, айниқса силос бостиришга панжа орасидан қараётганлар танқид қилинган.

Справда Востока

«Жанговар ташкилотчилик учун» сарлавҳали бош мақола билан бошланган бу саҳифада республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳнат кўтаринкилиги тўғрисида хабардар ёритилган. Бу сонда шунингдек, «Партия ташкилотларида», «Редакция почтасидан» подборкалари, Т. Малахованинг «Олдинда бораётганлар» сарлавҳали корреспонденцияси ва бошқа материаллар босилган.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30 — **«Ёшлар клуби»** (рус тилида). 20.10 — Ўзбек тилида **«Етти йиллик план ҳақида ҳикоялар»** циклидан эшиттириш. 20.30 — **А. П. Чехов туғилган кунининг юз йиллиги олдидан** эшиттириш. 20.50 — **«Солдат ҳақида баллада»** деган киноповесть. 22.20 — **тожик куйларидан концерт.** 22.45 — **реклама ва эълонлар.**

Редактор ўринбосари **Қ. УЗОҚОВ.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I **Ҳурият**, 15/I да **Тоға-жиянлар** (билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I да **Евгений Онегин**, 15/I да **Травиата**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I да **Оқ нилуфар**, 15/I да **Равшан ва Зулхумор**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/I гача **Циркда Арча**, «Айиқлар кўргани борамиз». Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Қутқарилган авлод — НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (3-залда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да), «ВАТАН» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6-20 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 6-45 минутда).

Гирдоб — «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, кеч 8 ва 10 да).

Чўлпон — **тонг юлдузи** — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар Москвада учрашади — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 да), «СПУТНИК» (2-залда, кундуз ва кечқурун).

Америка совет балетини олқишлайди — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 12 да).

Тошкентдаги **ХАВАСКОР БОҒДОРЛАР ЖАМИЯТИ** ғайшанба кунлари соат 18 яримдан 20 гача Олимлар уйида (Пролетар кўча, 8-уйда)

консультациялар

докладлар, лекциялар ўтказади, тажриба айирбошлайди,

шунингдек Жамият аъзоларини мева кўчатлари ва дорилаш материаллари билан таъминлашда ёрдам беради.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасининг

КИНОУСТАНОВКАЛАР

экранига

янги бадиий фильмлар чиқаради:

ПЎРТАНА

Сценарий автори — Л. Иванусьев.

Бош ролларда: **М. Кремнева, Н. Ангаров, Ю. Прокопович.**

Олмаота киностудияси 1958 йилда ишлаган.

Кўприкдаги одамлар

Сценарий автори — **Сергей Антонов.**

Бош ролларда: **В. Дружников, В. Меркурьев.**

«Мосфильм» киностудияси 1959 йилда ишлаган.

Ўттиз тўққизинчи бригада

(Фридеш Кадикаш ҳикоялари асосида ишланган)

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15 январда

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — **Саид Алиев.**

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Мирза Тоиров**, филармония солистларидан **Тўхта Йўлдошева, Тоштемир Шариповлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

15, 16, 17 январда

Катта концертлар

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова, Муҳаммаджон Мирзаев, Учқун Ғаниев, Убайдулла Мадраҳимов, Рушель Мордухаев**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Жалол Осимов**, солистлардан **Жуманазар Бекчонов, Фахриддин Умаров, Роза Қурбонова, Тўхта Рисметова, Нина Гайер, Муҳаббатхон Мусаевалар** қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблида: **М. Мирзаев, Ш. Мирзаев** (рубоб), **А. Муллахолов** (най), **Т. Аҳмедов** (доира), **И. Тўраев, С. Йўлдошев** (гижжак), **В. Тягнибида** (баян).

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26-уй. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524. Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р 02516. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 11.